

А. КАХХОР

ОФРИК  
ТИШЛАР

*4 парда, 7 кўринишили  
комедия*

УЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1956



## ИШТИРОК ЭТУЧИЛАР

Насиба. Ўрта мактаб ўқучиси.

Роҳила. Унинг онаси.

Марасул Ҳузуржонов. Насибанинг эри, тиш доктори.

Фотима. Унинг онаси.

Зуҳра. Фотиманинг синглиси, Насиба ўқийдиган мактабнинг қоровули.

Пўлатжон Домла. Мактаб директори.

Вера  
Назира } Насибанинг дугоналари.

Аҳаджон Заргаров. Райижроком раисининг ўринбосари.

Оқила. Унинг биринчи хотини.

Хуморхон. Унинг иккинчи хотини.

Ризамат. Хуморхоннинг тоғаси, райижрокомнинг хўжалик мудири.

*Воқия бизнинг кунларда бўлиб ўтади.*

— — —



---

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ ҚУРИНИШ

Марасул Ҳузуржоновнинг ўз ҳовлисидаги кабинети. Кабинетни кўча томондаги деразадан кўрамиз. Деразанинг икки томонида ёзувлар: «Тиш доктори ва техники», «Йўл муюлишдан».

Марасул бекорчиликдан пашша тутиб ўтирипти.  
Заргаров киради.

Заргаров (*соатига қараб*). Марасул, Оқила келмади-ку? А, Оқиладан дарак йўқ-ку?

Марасул. Оқилажон опам... Автобус соат учда келади. Лекин, эрталабки автобусга чиқолмасам, тушгисига чиқарман деган эди.

#### Пауза

Заргаров. Ҳмм... Қаттиқ хафа эмасми?

Марасул. Устига хотин оласизу хафа бўлмайдими?

Заргаров. Йўқ, авзойидан жанжал қиласидиган эмасми демоқчиман?

Марасул. Йўқ... Йиғлади!

Заргаров. Йиғлади? Хайрият! Йиғлаган бўлса жанжал қилмайди... Кимни олди, деб сўрамадими?

**М арасул.** Сўради. Хуморхон деган бир жувонни олдилар дедим.

**З аргаров.** Тинч келиб кетади дегин? Шундоқ бўлса ҳам насиҳат қилиб, этини ўлдириб, ундан кейин мени чақиргин. Мен уйда бўламан (*чиқмоқчи бўлади*).

Ичкари эшикдан Фотима киради.

**Фотима.** Ҳой, онанг айлансин, Марасул... (*Заргаровни кўриб*.) Ассалому алайкум... Марасул, иш бузиладиганга ўхшайдику: ЗАГСнинг қоғози бўлмаса домла-имом никоҳ ўқимас эмиш.

**З аргаров.** Никоҳ? Шу гапни менинг олдимда гапирмасангиз нима қиласр эди!

**М арасул** (*қабулхона эшигига қараб, онасига*). Секирроқ гапирсангиз-чи! (*Заргаровга ёлвориб*.) Яна битта акалик қилинг, жон ака! Бир оғиз айтиб қўйинг!

**З аргаров.** Жинни бўлдингми?.. Энди домла-имомга никоҳ ўқи дейишим қолдими?!

**М арасул.** Йўқ, ЗАГСга айтиб қўйинг дейман! Гапга тушунмайдиган бир одам ўтирипти... ҳеч кўнмайди! (*Трубкага*.) Йигирма бир — ўн икки... ЗАГСми? Ким? Сиз блан район ижроия комитетининг раис ўринbosари ўртоқ Заргаров гаплашмоқчилар! (*Трубканни Заргаровга беради*.) ЗАГС мудири!

**З аргаров** (*трубкага*). Ҳмм... салом... Докторнинг ишини тўғрилаб беринглар! Марасул Ҳузуржоновнинг ишини... Қиз ёш?

**Фотима.** Ёш эмас, йилма-йилига ўн сакизга кирган!

**Марасул.** Ёш эмас, ўн саккизда, мен биламан денг!

**Заргаров.** Ёш эмас, ўн саккизда, мен биламан денг... йўқ, мен ўзим биламан! А? Тўққизинчи синфда ўқиса ўқийверади-да! Мен тўртинчи синфда ўқиганимда йигирма ёшда эдим! Менга қаранг, жавобгарликдан қўрқманг. Ҳарқанча жавобгарлик бўлса бизга юклайвенинг... Кўтаравериб елкаларимиз қадоқ бўлиб кетган!

**Марасул** (*унинг елкасини силайди*). Яшанг!

**Заргаров** (*трубкага*). Менга қаранг, ука! Менинг бу ишга тайин бўлганимга ҳали йил ҳам тўлгани йўқ, гапимни қайтариб, бунаقا, обрўйимни тўқадиган бўлсангиз хафалашиб қоламиз! А? Куёв блан келин менинг олдимда, ҳозир боради. Регистрация қилинг, бўлак гап йўқ! (*Трубкани зарда блан қўяди*).

**Фотима.** Худоё умрингиздан барака топинг! Қатта бўлиш хўп яхши-да! Кимга нима деса — нақд!

**Марасул.** Боринг, Насибани мактабидан айтиб келинг, иссиғида борақолайлик!

**Фотима.** Ҳозир айтиб келаман.

**Заргаров.** Лекин менинг аралашганимни ҳечкимга оғзингиздан чиқарманг!

**Фотима.** Хўп бўлади (*чиқади*).

**Кўкрагига** жуда кўп значок таққан **Ризамат** киради

**Заргаров.** Ҳа, Ризамат? Тиш оғриб қолдими? Бунаقا арақ ичишга тиш эмас, отниң тақаси ҳам чидамайди!

**Ризамат.** Ичмай қўйганман, хўжайин!

**З а р г а р о в.** Шунақами... (*Қўкрагини кўрсатиб.*) Ўҳў, тақмаганинг чойнакнинг қопқоғи қолипти холос-а! (*Чиқади.*)

**Р и з а м а т.** Менга қара, ука, Ризқихўжа икковинг шу қилиқларингни менга қилмасала-ринг нима бўлар эди?!

**М а р а с у л.** Нима қилибмиз?

**Р и з а м а т.** Бошда писанда қилмовдимми!... Оғзингга сиққанини ол, лекин тилла тиш деб занглаған тақа қўйма демовдимми!

**М а р а с у л.** Йўғе! Сизга шунаقا қиласми. Утириңг-чи...

**Р и з а м а т** (*креслога ўтиради*). Кечадан бери ўхчийвериб ўлиб бўлдим-ку.

**М а р а с у л.** Оғзингизни очинг! Уф, бай-бай, ичингиизда ит ўлганми!.. (*Бирдан.*) Э-э-э!.. Аттанг!.. Тиш қўйгандан кейин уч кун арақ ичмай туриңг дейиш мутлақо эсимдан чиқипти-я! Қани. (*Тишини кўриб.*) Ҳа, мана, тамом... Миокардиодистрофия!

**Р и з а м а т** (*чўчиб*). А?

**М а р а с у л.** Миокардиодистрофия!

**Р и з а м а т.** Об-бо худо урди, энди нима қиласман! Нега айтмадинг, айтсанг тишимга сақич ёпишириб иchar эдим-ку!

**М а р а с у л.** Мутлақо эсимдан чиқипти!

Майли, зиёни йўқ, тўғрилаймиз... Сиз ҳозир Ризқихўжанинг олдига боринг, мен унга телефон қиласман. Чорасини кўради. Йўлда ичиб-нетиб юрманг тағин.

**Р и з а м а т.** Йў-йўқ, худо хоҳласа етиб борарман (*чиқади*).

**М а р а с у л** (*трубкага*). Ӯн бир — ўн саккиз Ризқи! Ризамат акага нуқул ўзидан қўйибсан-

ку! Бориб-бориб ўртоқ Заргаровнинг қайнағасига шунақа қиласанми! Қўйсангчи, оғзи кўкариб ётипти! Энди бир-биримизни алдашимиз қолдими! Ҳозир боради, тўғрилагин. Арақдан миокардиодистрофия бўлипти дедим, сен ҳам шунақа дегин (*трубкани қўяди*).

О қ и л а киради.

Э-э, келинг, Оқилахон опа... Қайси автобусда келишингизни билмаганим учун кутиб олгани чиқолмадим. Яхши келдингизми...

О қ и л а. Шукур... Қанилар хотин устига хотин олган Аҳаджон бой, қанилар?

М а р а с у л. Ҳозир... (*Трубкани олади*.) Йиғирма беш — ўн беш... Аҳаджон ака, келдилар... Тезроқ чиқинг? (*Трубкани қўяди*.) Оқилахон опа, ишнинг фойда чиқадиган томонини кўзлайверганингиз ма'қул. Жанжалдан ҳечким барака топган эмас. Индамай қўяқолинг.

О қ и л а. Нега индамас эканман! Ўн етти йил хизматини қилиб провардида кўрганим шу бўлдими? Менинг юзимни қилмаса, уч боласининг юзини қилса бўлмасмиди?.. Бундан ўн етти йил бурун битта данак эксам ҳозир соясида ўтириб мевасини ер эдим (*ийглайди*).

М а р а с у л... Оқилахон опа... Фойда чиқадиган томонини кўзлайверинг.

З а р г а р о в киради. О қ и л а беихтиёр ўрнидан туради.

З а р г а р о в. Ҳа, яхшимисан... (*Пауза*.) Болалар яхшими?

О қ и л а (*кўз ёшини артиб*). Яхши... болалар эсингида бор экан?..

**З а р г а р о в.** Аҳмоқ бўлма!.. Ўтиришга фурсатим йўқ — идорада одамлар мени кутиб ўтирипти. Бўлар иш бўлди. Ихтиёр ўзингда, агар шу гапни кўчага чиқараман десанг, майли, чиқар, лекин ўйлаб иш қил! Ўзингга қийин бўлади: учта боланг бор, қўлингда ҳунаринг йўқ... Йўқ-йўқ, кўчага чиқармайман, сабр қила-ман десанг...

**М а р а с у л.** Сабрнинг туби олтин!

**З а р г а р о в.** Балли! От айланиб қозигини топади!

Магазиндан келаётган **Х у м о р х о н** дераза олдига етганда қўлидаги ўрамни тушириб юборади.

**Х у м о р х о н.** Вой! Марасул aka!.. Қарашиб юборсангиз-чи!

**М а р а с у л** (*Заргаровга*). Хуморхон опам!..

**З а р г а р о в** (*дарров креслога ўтириб*). Оҳ! Воҳ! Суғур! Суғурсанг-чи!

**М а р а с у л** (*омбурни чоғлаб*). Ҳозир... Ҳозир...

**Х у м о р х о н.** Вой, нима қилди?

Оқила Хуморхонга тикилганича қолади.

**М а р а с у л** (*Хуморхонга*). Дун'ёда тиш суғуртиришдан ёмон азоб йўқ. Сиз бораверинг, кўрмай қўяқолинг.

**Х у м о р х о н.** Оғритмай олинг! (*Чиқади*).

Оқила унинг кетидан қараб, аста ўрнидан туради.

**З а р г а р о в** (*чўнтағидан пул олиб Оқила-га беради*). Ма, болаларга бирон нарса олиб бер.

Оқила. Ўзингиз қачон борасиз? Болалар дада деб жонимдан безор қилишаяпти (*Йиғлайди.*)

Заргаров. Шу ҳафта ичи бораман. Болаларни ўпиб қўй! Бор, бор!..

Оқила чиқади.

Марасул. Аҳаджон ака, жуда қалтис ишда... Бир чувингиз чиқса борми — буёфингиз райком, буёфингиз прокурор-а!

Заргаров. Э, ваҳима қиласверма!

Марасул. Одам қариган сари ёшини хоҳлар экан-да! Хуморхонни олмасдан шундай ўйнашиб юраверсангиз бўлмасмиди?

Заргаров. Ўйнашиб юриб шунаقا бўлиб қолди-да! Бир куни «бўйимда бўлиб қолди» деб йиғлаб келди. Ёлғон экану, қўрққанимдан, қорни кўзимга катта кўринипти. Шу!.. «Тоғам билиб қолса мени сўяди, хотин устига бўлса ҳам ол» деб туриб олди. Тоғаси, бояги Ризамат, ўшанда ҳам менда завхоз эди, ҳар куни саломга кирадиган бўлиб қолди; ҳар кирганида «сўйиб келмадимикин» деб юрагим шув этиб кетади дегин!.. Бундан ташқари, ўйлаб қарасам, биздай одамнинг бисотида битта культурнийроқ хотин бўлса ҳам зиён қилмас экан. Ўзинг ўйлаб кўр: хотининг бўлса-ю, орада гаплашгудай гап бўлмаса, бирон жойга олиб борласанг, меҳмон келганда дастурхонда ортиқча бўлиб ўтирас!.. Қийин-да! Бечора Оқила ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотин-у орқада қолиб кетди!

Марасул. Саводи бор шекилли?

**З а р г а р о в.** Бор эди! Бироз бор... Жуда ёш олган эдим-да, еттинчими, саккизинчи синфда ўқир эди. Кейин ўқиёлмади: катта даргоҳ, бола-чақа, қозон-товоқ... Қолиб кетди!.. Қўй бу гапларни! Мени яна бирон уч минг сўм қарздор қилиб тур. Хуморхонни курортга жўнатмасам бўлмайди. Оқиланинг тафти босилгунча кўздан нарироқ тургани ма’қул.

**Ф о т и м а** киради.

**Ф о т и м а.** Насиба дарсда экан, айтдим, ҳозир, дарс тамом бўлиши блан, келади.

**М а р а с у л.** Пулингиз борми? Аҳаджон акамга яна уч минг сўм зарур бўлиб қолипти.

**Ф о т и м а (шошиб).** Пулим йўқ.

**М а р а с у л (қулогига).** Ундоқ деманг, беринг, керакли одам.

**Ф о т и м а.** Ҳадеб, олаверадими?.. Кошки берса!.. (*Ички белбоғидан пул олиб тез санаб беради.*) Минг! Икки минг!..

Қизларнинг ашула товуши. Насибанинг сизлар кетаверинглар, орқаларингдан етиб бораман! дегани эшитилади, ҳамма деразадан қарайди.

**Н а с и б а (киради).** Салом...

**Ф о т и м а.** Айланай!..

**М а р а с у л.** Ие, кийинмасдан келибсиз-ку!

**Ф о т и м а.** Вой гиргиттон! Киринг! Киринг!

**З а р г а р о в (Насибага зеҳн солиб).** Ҳмм.. (*Марасулга*). Формада олиб боракўрма, фор мани кўриб ЗАГС мудирининг жини қўзғамасин тағин.

**М а р а с у л.** Йў-йўқ! Худо урдими!

**Заргаров.** Бўйи жуда паст экан-да!

**Фотима.** Туфли бор! Пошнаси бир қаричлик туфлимиз бор!

**Заргаров.** Хўп, боринглар, ҳашамини кейин қиласизлар. Хўп, мен кетдим, одамлар қутиб қолди (*чиқади*).

**Фотима.** Қани, юринг гиргиттон!

Иккови ичкарига кириб кетади. **Марасул** ашула айтиб асбобларини йиғишириди ва кийинади. Ичкаридан **Фотима**, бошқа кўйлак ва баланд пошна туфли кийган **Насиба** зўрга юриб чиқади.

**Марасул.** Қани, кетдик!

**Насиба** (*Фотимага*). Тағин ЗАГСга борамизми?

**Фотима.** Бу сафар бетўхтов ЗАГС қилади, Аҳаджон акангиз буюрдилар!

**Марасул.** Энди портфельниң кераги йўқ (*портфельни олиб улоқтиради*).

**Фотима.** Боринглар! Илоҳи омин!.. Тезроқ қайтинглар, ошнинг гуручини солмай турман!

**Марасул** блан **Насиба** чиқади. **Фотима** крес-лога ўтириб юзига фотиҳа тортади.

#### ПАРДА

### ИККИНЧИ КУРИНИШ

**Роҳиланинг** кўримсизгина уйи. **Роҳила**, **Марасул**. Марасул хуноб — нари-бери юрмоқда.

**Марасул.** Бунақа қайсар одам дун'ёга келган эмас! «Ахир Аҳаджон акам телефон қилдилар-ку, яна нима керак?» десам, «Худо-

нинг ўзи телефон қилса ҳам регистрация қилмайман» дейди-я!

Роҳила. Лоҳавла... Энди нима қиласизлар?

Марасул. Энди нима қилар эдик... қишлоққа чиқиб регистрация қилдириб келамизда... Аҳаджон акам хат ёзиб бердилар... Мана... (Ўқийди.) «Жондан азиз жиянимиз Нишонбойга етиб ма’лум бўлсинки, ушбуни кўрсатучи Марасул Ҳузуржоновни тегишли умр йўлдоши ўртоқ Насибаҳон Асқарова блан бирликда никоҳ дафтарингиздан ўтказиб азбаройи (та’кидлаб) турмуш қилишлари учун қонуний ҳужжатларини бермоғингизни сўраб қоламан деб Заргаров».

Роҳила. Қачон борасизлар?

Марасул. Ҳозир борамиз, борди-келдиси машинада бир ярим соатлик йўл... Насиба келмаяпти-ку?

Роҳила. Ҳайронман... Мактабимга бориб келаман деган эди.

Марасул. Ҳавотирман-да: битта-яримта ўртоғига айтиб қўйса...

Роҳила. Йўғ-э, айтмайди!

Марасул. Мен бориб машинани олиб келай, унгача келиб қолар. Тайёр бўлиб туринглар (чиқади).

Роҳила (ўзича). Шукур, худога минг қатла шукур, кўзим очиқлигига қизгинамнинг тўйини кўрадиган бўлдим. (Гардеробни очиб Насибанинг кўйлакларини ҳавас блан кўздан кечиради.) Толингдан ўргилай, қизим, онанг шўрлик қиз бўлиб, келин бўлиб, ҳечнарса кўрмаган эди, худойи таоло ҳаммасини сенга

насиб қилган экан. (*Ўзича ашула айтади.*)  
Тўй муборак бўлсин, тўйлар муборак бўлсин...  
Ургилай Насибаҳон, тўйлар муборак бўлсин.

Насиба мактаб формасида ма’юс киради.

Келдингми, қизим... Ҳа, нима бўлди?  
Насиба (*секин*). Мен яшиrolмадим... Дом-  
ламга айтиб қўйдим...  
Роҳила (*қўрқиб*). А?! Қайсибирига айт-  
динг?!

Насиба. Мактабдан чиқиб келаётсам Пў-  
латжон Домла эшикда турган эканлар... Ҳеч  
яшиrolмадим! Кабинетларига олиб кирдилар...  
(*Бирдан.*) Ая, қўйинг шу ишни! Қўйинг, шу  
иш мактабни битирганимдан кейин бўлсин!  
Мен домлага ва’да бериб келдим. Қўйинг,  
керакмас!

Роҳила. Ҳой, ношукур! Бахт қуши одам-  
нинг бошига бир марта қўнади-я! Ўқиши ҳама-  
вақт бўлаверади — магазин тўла китоб!

Пўлатжон Домла киради.

П. Домла. Мумкинми?  
Насиба (*ҳайрон*). Марҳамат... келинг,  
Домла...

Роҳила (*гаранг*). Келинг, директор-дом-  
ласи...

П. Домла. Салом...

Роҳила. Қани, буёқقا... Қизим, самовар  
қайнаб турган эди, олиб кир!

П. Домла (*ўтиради*). Саломат бормисиз...  
Роҳила. Шукур.

П. Домла. Насибани узатишга шошилиб-сиз деб эшидим...

Роҳила (*гангиб*). Йўқ... Ким айтди... Бекор гап! Ўлимдан ҳабарим бор, бу гапдан ҳабарим йўқ...

П. Домла унинг кўзига қарайди.

И-ҳа, эсим қурсин, дурустроқ бир жой чиқ-қан эди, подручка қилиб юрсин деб унаштириб қўйдик холос...

П. Домла. Ҳмм... «Дурустроқ жой?» Нимаси дуруст экан?

Роҳила. Дурустлиги шуки... ўзи доктор! Доктор бўлганда ҳам чаққонгина доктор экан! Данғиллама иморат-у, машина-ю... Сигир, товуқ, фоз... Болагинам етим ўсганига яраша худопешонасига баҳт битган экан!

П. Домла. Ҳмм... Ҳарбир она боласини яққолроқ қўриниб турган баҳтга томон йўллашни истайди, лекин, афсуски, баҳт, чинакам баҳт нима эканини ҳарбир она ҳам билавермайди. Азизим! Қизингизнинг баҳтини бирорларнинг остонасидан қидирманг! Баҳтни бирорларнинг остонасидан қидиришнинг ўзи баҳтсизликнинг боши! Насиба ўз баҳтини ўзи, ўз қўли блан яратади! Баҳт хусусида уни янглиштирманг! Янглиштирманг қиз бечорани!

Роҳила. Вой, мен янглиштирганим йўқ! Ўқиган йигит бўлгани учун қўлдан чиқмасин деб...

П. Домла. Ўқиган бўлса ҳам уқмаган йигитга ўхшайди, йўқса Насибанинг ўқишини ора йўлда қолдириб мактабидан юлиб олмоқчи бўлмас эди.

**Роҳила.** Билмасам, Насибанинг ўзи танлаган... яхши кўради...

**П. Домла.** Хато! Ундоқ деманг, хато гап! Мен Насиба блан гаплашиб кўрдим. Бу муҳаббат эмас, англашилмовчилик! Сиз муҳаббат хусусида ҳам уни янгиштирманг!

**Роҳила.** Вой, ғалати гапни гапирасиз-а, домласи, (*йиғламсираб*) она ўз боласига ёмонликни раво кўрадими!..

**П. Домла.** Тўғри, ҳечқачон раво кўрмайди! Қадимги вақтда ёш қизларини хотин устига берган, олтмиш-етмиш яшар чолларнинг қўйнига солиб қўйган ота-оналар ҳам ўз боласига ёмонликни раво кўрган эмас, лекин дўст бўлатуриб душманинг ишини қилганлиги ҳам ҳақиқат! Шундоқ эмасми?

**Самовар** кўтариб **Насиба** киради.

(*Nasibaga.*) Биз, ўқитучилар, тўққиз йил давомида сени кўзимизнинг нури, бағримизнинг ҳарорати блан парвариш қилдик!.. (*Roҳila-*лага.) Тувакда бир туп гул ўстирган одам шугулнинг бирон япроғига шикаст етса қанча ачинади! Насиба бир туп гул эмас!

**Роҳила.** Айтдим-ку, домласи, совчи келавермасин деб унаштириб қўйдик, холос. Тўйни келаси йил қиласмиз...

**П. Домла.** Тўй деб Насибанинг ўзи айтди-ку!

**Роҳила** (*қизига ҳўмрайиб*). Вой, нега ундоқ дединг? Унаштириш нима эканини билмайди-да, домласи, ёш... (*Ўпкалаб.*) Вой, домласи, наҳотки шунга ишонган бўлсангиз! Сизни отаси ўринида кўрсаг-у, наҳотки сиздан бесўроқ

иш тутсак... (*Насибага.*) Қиз нарса, ҳеч нарса-дан ҳеч нарса йўқ, тўй деб юргани уялмайсанми! (*Биқинини ўйиб олади.*) Гапир!

**Насиба.** Кечирасиз, Домла, мен тушуммаган эканман...

**Роҳила** (*сохта кулиб*). Буни қаранг, унаштиришни тўй деб юрса-я! Қўйинг, домласи, ҳозир унаштиришдан ҳам айнидим! Вақт-соати етганда бўлар! Вақт-соати етганда куёвни ўзингиз топасиз! Тўйга ўзингиз бош бўласиз!

**П. Домла.** Ана бу гапингизга офарин! Офарин! Энди мен кетай бўлмаса...

**Роҳила.** Бир пас ўтирангиз бўлар эди.

**Роҳила** уни кузатиб чиқади. **Насиба** ўйланиб қолади.

**Роҳила** (*киради*). Орзу ҳавас кўриш пешонамга битмаган бўлса нима ҳам дейман! (*Йигламсираб.*) Майли, онанинг кучи болага етмайдиган замон экан.

**Насиба** (*ҳайрон*). Вой, нима деяпсиз ўзингиз!

**Роҳила.** Шу гап ўлгурни домлангта айти-қолмасанг нима қиласр эди! Сизларга онадан ҳам домла азиз-да! Майли, шундай бўлса ҳам сендан розиман... (*Айтиб йиглайди.*) Ўғил кўрмадимки, гўримга икки кетмон тупроқ ташласа... Товутим чиққан куни арвоҳимга битта шам ёқсанг бас!

**Марасул** киради.

**Насиба** (*йиглаб*). Дарров шунаقا дейсиз-да!

**Марасул.** Ўзи нима гап? А?

**Роҳила.** Директор-домласи келди...

**Марасул.** А?.. Хўш?

**Роҳила.** Домласига айтипти...

**Марасул** (*Nasibaga*). Ие, қанақасиз ўзингиз, ҳечкимга оғзингиздан чиқарманг демовдимми? (*Roҳilaga*) Хўш, нима деб келипти?

**Роҳила.** Нима дерди!

**Марасул** (*Nasibaga*). Хўш, сиз нима дедингиз?

**Насиба.** Пўлатжон Домла мендан жуда қаттиқ койидилар.

**Марасул.** Қизиқ экансиз, директор бўлгандан кейин койийди-да! Нима, чапак чалсинми бўлмаса?

**Насиба.** Йўқ, Домла чинакам куяётитилиар, мактабни битираолмай қолади деб ўйлаётитилиар.

**Марасул.** Ие, ахир айтмадингизми?.. Мен жонимни, танимни, бутун умримни илм йўлига тиккан бир дарвишман-ку, ахир! Мен нима қилсам илм учун, илм йўлида қиласман. Куним битиб ўлсам ўлигимни ҳам илм йўлига бераман: майли, студентлар теримга похол тиқиб бурчакка қўйишин! Финг демай тураверман!.. Мен сизга қўл чўзганимда эркак бўлиб эмас, бир тарбиячи бўлиб қўл чўздим. Мен сизни университетда ўқитаман! Менга жўн хотин керак эмас! Жўн хотин керак бўлса, мана ўртоқ Заргаровдай одам синглисини бермоқчи бўлганда олақолар эдим!

**Роҳила** (*Nasibaga*). Эшитаётибсанми?

Марасул. Мен сизни доктор қиласман,  
академик қиласман!

Насиба (*кулумсираб*). Ростми?..

Марасул. Мен сизга қачон ёлғон гапирган  
эдим?

Фотима киради.

Фотима. Ҳой, мунча ивирсидиларинг! Ма-  
шинада ўтириб кўзим пинакка кетипти. Бў-  
лақолсаларинг-чи!..

Роҳила (*Насибага кўйлак бериб*). Юр  
тезроқ, кийингин, қизим!

Насиба. Ая, ахир Пўлатжон Домла...

Роҳила. Гапни кўпайтирма! (*Насибани  
қўярда-қўймай етаклаб олиб чиқади.*)

Марасул (*Фотимага*). Тўйни тезроқ ўт-  
казмасак мактаб ишни чатоқ қиласданга  
ўхшайди.

Фотима. Албатта! Менинг нима деб жоним  
ҳалок! Қачонгача ўргатаман!..

Ясанган Насиба, Роҳила киради.

Марасул. Қани, кетдик!

Роҳила. Кетдик!

Насиба. Ая, Пўлатжон Домламга нима  
деган эдингиз?..

Марасул. Юринг! Юринг! (*Насибани  
қўлтиқлаб олиб, етаклайди.*)

Ҳамма чиқади.

ПАРДА

---

## ИККИНЧИ ПАРДА

### УЧИНЧИ КУРИНИШ

Катта дид ва зўр ҳавас блан солингган иморат. Ёш мева дарахтлари. Майнинг ўрталари.

Насиба, Вера, Назира.

Насиба.

Кавказ подо мною. Один в вышине  
Стою над снегами у края стремнины.  
Орел с отдаленной поднявшись вершины  
Парит неподвижно со мной наравне.

Вера, Пáрит эмас, парйт!

Насиба. ...Парйт неподвижно со мной наравне... Қисловодск! Қазбек!.. Аарат!..

Назира. Қисловодск қаёқда-ю Қазбек блан Аарат қаёқда! Тўққизинчи синфда ўқиган одам географияни бироз билиши керакдир?

Вера. Қизишма, Назира!

Насиба (*кулади. Назирани қучоқлайди*).  
Ўзингнинг ҳам ҳавасинг келаётитти, ўртоқжон!.. Вой!.. Ўйласам юрагим ҳовлиқиб кетади!.. Шуларнинг ҳаммасини ўз кўзим блан кўраман-а!

Назира. Ўқиши-чи?! Ўқишини кимнинг кўзи блан кўрасан? Ймтиҳонлар-чи?

Насиба. Ймтиҳон?! Ймтиҳонни кузда бераман. Марасул акам шунаقا деяптилар!

Назира. Ҳайронман! Мен сенга ҳайронман,  
Насиба! Наҳотки одам ҳеч кераги йўқ курорт-  
ни деб имтиҳонни кузга қўйса!

Вера. Барибир мактаб жавоб бермайди.

Насиба. Жавоб берган бўлса-чи?

Вера. Ҳеч-да!

Насиба. Марасул акам «Насиба ҳозир  
курортга бормаса бўлмайди» деб поликлиника-  
дан справка элтиб бердилар.

Вера. Ҳеч касалинг йўқ-ку!

Насиба. Вой, касалим бор...

Назира (*тажсанг*). Қаеринг қийшайипти?

Вера. Назира, оғир бўл!

Насиба (*зўр ташвии блан*). Марасул  
акам мана бу еримга... Йўқ, мана бу еримга  
қулоқ солиб кўриб (*бош чайқайди*) мундай-  
мундай қилдилар...

Назира (*бош чайқаб*). Мундай-мундай  
қилган Марасул акангу, справкани поликлини-  
ка берадими?

Вера. Назира, ҳовлиқмагин!..

Насиба. Марасул акам касалимни айтган-  
дирлар-да!

Вера. Ҳечқанақа касалинг йўқ! Қўй бу гап-  
ларни! Биз ёрдам берайлик, имтиҳонга тай-  
ёрлан.

Насиба. Вой, мунча! Имтиҳонни берсам  
бўлдими! Қузда бераман-да! Ҳозир қандоқ  
қиласман... Поездга билет олиб қўйган бўлсак,  
поезд уч соатдан кейин жўнаса... Үнинчини  
кечки мактабда битираман! Битирмасдан ило-  
жим борми, янаги йилга Москвага кетадиган  
бўлиб турибмиз, Марасул акамни Москвага  
ишга чақиришайпти.

Назира. Мен ҳам «Москвада тиш доктори танқис эмиш» деб эшилдим!

Вера (*аччиғи келиб*). Назира, қўйсанг-чи!

Насиба. Вой, ишонмайди-я! Хат келипти! Кетамиз! Марасул акам «Сени Ломоносовномидаги университетга киргизиб қўяман» деяптилар. Йигирма бешинчи этажда ўқийман. У киши ишлайди, мен ўқийман. Университетни битираман, кандидат, доктор бўламан! (*Керилаб.*) Физика-математика фанлари доктори профессор Насибахон Қаримовна Асқарова! Йўқ-йўқ, Ҳузуржонова!

Назира. Сал тушинг!

Насиба. Бўлолмайманми?

Назира. Бўлолмайсан!

Насиба. Бўлолмайманми, бўлолмайманми?

Назира. Бўлолмайсан!

Насиба (*уни ийқитиб миниб олади*). Бўлолмайманми?

Назира. Тавба қилдим! Бўласан, бўласан...

Кулги. Жимлик.

Вера (*«Школьный вальс»ни бошлийди*).

Давно, друзья веселые,  
Простились мы со школою...

Назира блан Насиба қўшилади.

Но каждый год мы в свой приходим класс,  
В саду берёзки с клёнами,  
И школьный вальс опять звучит для нас.  
Сюда мы ребятишками  
С пеналами и книжками...

Насиба сукутга кетади. Буни Вера пайқаб Назира и туртади.

## Назира (*ўйчан*).

Давно, друзья веселые,  
Простились мы со школою...

Вера. Ҳарқалай эрга текканинг bemavrit, bemaslaҳat иш бўлди, Насиба. Мактаб билганида тўйингни бир йил кейинга қўйдирар эди. Яширдинг. Ҳамма сендан хафа!

Насиба. Уф... Муҳаббат нима эканини бошингга тушганда биласан!

Назира. Яна бир йил сабр қилганингда муҳаббатингга куя тушармиди?

Вера (*Назирага*). Оғир бўлсанг-чи ахир!

Насиба. Яна бир йил сабр қилсам бўлар эди, лекин бир томондан аям... «Кўзим очиқлигида тўйингни кўрай» деб туриб олдилар, бир томонда... (*ифтихор блан*) ўртоқ Заргаров орага тушдилар. Ундан кейин Марасул акам... ҳар куни мактабга кетишимда ҳам, мактабдан келишимда ҳам гул кўтариб кўчамизнинг бошида турад эдилар.

Назира. Менга қара, ҳар куни гул кўтариб турганига раҳминг келдими, ё чинакам яхши кўрасанми?

Насиба. Билмасам. (*Ўйчан*.) Ба'зан алла-қандай бўлиб кетаман... Кўнглим ғаш... Тўққиз йил ўқиган мактабим, муштдайлигимдан бирга ўсган ўртоқларим... Ҳаммасига бегонадай бўлиб қолдим! Энди кечки мактабда ўқийман... Хотинлар... Қизиқ-а, мен энди хотин!.. Марасул акам менинг эrim! Эр! «Эrim» деган гапга ҳеч кўниколмаяпман! Кўнишиб кетарман-а, қизлар! Бир одам сенга жони, жаҳонини берсаю сендан ҳечнарса талаб қилмаса, шу одам-

нинг оти эр бўлса, бунга кўниумасдан нимага  
кўниади киши! Қаранглар, шу ҳовли-жой,  
мана шу дараҳтлар, курси, сўри -- ҳаммаси  
меники! (*Бахтиёр.*) Эрим мени бугун Кисло-  
водскка олиб кетади!

В е р а — Бутунлай ўзгарибсан!

Ф о т и м а (*тovuши*). Ҳой, Асқад, жувонмарг,  
қўясанми, йўқми!

Н а с и б а. Қайнанам...

Ф о т и м а чимматсиз паранжи ёпиниб, иккита бидон  
кўтариб киради.

Ф о т и м а. Қелинпошша! (*Меҳмонларни кў-  
риб.*) Ие! Қелинглар, Эсонмисиз... Омонмисиз...  
(*Nasibaga.*) Қелинпошша, товуқларингизга  
мояк қўйдингизми?

Н а с и б а. Ҳа, мояк қўйғанман.

Ф о т и м а. Чипор товуғингизга-чи?

Н а с и б а. Унга ҳам қўйдим.

Ф о т и м а. Қора товуғингиз ҳам қақалаб  
юрипти. (*Товуқнинг юришини қилиб кўрсата-  
ди.*) Қа-қа-қоқ... (*Бир чеккада турган шиша  
блан паҳтани кўриб қолади.*) Ҳа, айтгандай  
(*шиша блан паҳтани олади*) сигирингизнинг  
қаншарига темиратки чиқипти, номакоб сур-  
кадим, нос суркадим — бўлмади, пичоқ блан  
қириб керосин суркаш керакмиш.

Н а з и р а пиқ этиб кулиб юборади, В е р а уни туртади.

Қирай десам, қарилик қурсин, кўзим ўтмади.  
Сизнинг қўзингиз ўткирроқ... Мана учовларинг  
бирпасда қиласизлар...

Н а з и р а товуш чиқармай қотиб-қотиб кулади. В е р а  
уни туртади, гавдаси блан Ф о т и м а н и н г назаридан  
тўсади.

**Насиба (хижолат).** Мол докторига қаратамиз, ая, доктор даво қилади?

**Фотима.** Аввал бир суркаб кўринглар, бўлмаса ундан кейин докторга қаратайлик (шиша блан паҳтани унга беради).

**Насиба.** Хўп-хўп... Ўтириңг...

**Фотима.** Йў-йў-йўқ, bemalol ёзилишиб ўтириңглар! Ёмон кўрганим ёшларниг суҳбатига қариларниг суқилиши. Айниқса қайнана...

**Насиба.** Унақа деманг! Ўтириңг!

**Фотима.** Ёшлигимда қайнананинг жабрини торта-торта жонимда жон қолган эмас. Мана шу Марасулни түққанимда «Шу ўғлим катта бўлса, хотин олса келинимнинг ҳеч ишига аралашмайман» деб ният қилганман. Худо ниятимга етказди.

**Фозлар товуши.**

**Ҳой,** Асқад ўлгур! (*Кўча эшигига томон югуради*).

**Насиба** ундан илгари чиқиб кетади.

**Насиба (товуши).** Ҳой, Асқад!

**Фотима (кўчага).** Келинпошша, ҳу ана у эшикка кирди! Ҳа, жувонмарг!.. (*Қайтади.*)

**Вера** (*Назираға, сен тек тур, деган ма'нода шора қилиб*). Хола, Насиба ўқишини қўйиб курортга кетармиш... Чакки қилаётитпи. Сиз ҳам айтинг...

**Назира.** Үғлингизга айтинг, олиб кетмасинлар. Имтиҳони бор.

**Фотима (бидонларини олиб).** Йў-йўқ! Келинимнинг ишига аралашмайман. Мен ният қилганман.

Ихтиёр ўзида. Ҳукуматнинг даврида ҳамма озод, озод бўлгандан кейин борса ҳам ўзи билади, бормаса ҳам ўзи билади. (*Чиқади.*)

Машина гудоги. Насиба блан Марасул киради.

Марасул. Салом қизлар!.. Насибахон, пулингиздан бир минг беш юз сўм олиб чиқинг, мен сизга бир нарса олиб келаман.

Насиба уйга кириб кетади.

Хўш, қизлар, нима гап?

Вера. Бизни комсомол ташкилоти юборди.

Назира. Насиба имтиҳонларини бермасдан курортга кетар эмиш! Бу қанақаси?..

Вера (*Назирани туртиб*). Комсомол ташкилоти бизни хабар олгани, билгани юборди.

Марасул (*ёлкасини қисиб*). Мен бу тўғрида дирекцияга справка элтиб берган эдим-ку?

Назира. Курортга ҳозир бориши зарурми?

Марасул. Зарур! Докторлар касали жуда оғир дейишаётитти. Миокардиодистрофия!

Назира (*Верага бир қараб*). Вой, Насибани ўзингиз кўрибсиз-ку! Поликлиника сизнинг гапингизга қараб справка берипти-ку!

Марасул. Тўғри, ўзим кўрдим! Нима, мен доктор эмасманми? Жим! Насиба чиқаётитти. Мен касалини ўзига айтганим йўқ. Ўзи билмаслиги керак!

Насиба уйдан жуда кўп пул олиб чиқади ва ўртоқларининг кўз олдида ҳузур қилиб санаб беради.

Насиба. Мана... Бир! Икки...

Марасул. Курортга боришдан мақсад да-

воланиш бўлса, даволанишдан мақсад — ўқиш! А’ло ўқиш! Комсомол ташкилоти блан дирекцияга менинг номимдан айтинглар... Мен олий ма’лумотли одамман, докторман! Насиба кузда ҳамма фандан «а’ло»га топширмаса йўл қўймайман! Насиба мени ерга қаратмайди.

**Н а с и б а.** Албатта!.. Эллик саккиз, эллик тўққиз, олтмиш!.. Дарров келасиз-а? Тағин поездга кечикмайлик!

**М а р а с у л.** Мен беш ярим минутда етиб келаман... Ўртоқларингизга яхши пластинкалардан қўйиб беринг.

**Н а з и р а.** Йўқ, биз ҳам кетамиз!

**М а р а с у л.** Шунақами... Машинага чиқинглар бўлмаса.

**Н а с и б а** (*эркалануб*). Марасул ака, машинани кўчанинг бошигача ҳайдаб чиқай...

**М а р а с у л** (*кулиб, қизларга*). Насиба машина ҳайдашни ўрганаётитпи. (*Насибага*.) Хўп, лекин катта кўчага чиқмайсиз!

**Н а с и б а** (*севинуб*). Хўп! Кўчанинг бошигача...

Ҳамма чиқади. Мотор гуриллайди. Машина гудоги. Фозлар товуши. Машина жўнайди. Пақир кўтариб Фотима киради. Телефон жиринглайди.

**Ф о т и м а** (*трубкани олиб*). Ҳа! Марасул йўқ. Кимсиз? Директор? Вой болам, қайси магазиннинг директорисиз? А? Мактаб директори? Ҳмм... Ҳа, кетишаётитпи. А? Ихтиёр Насибанинг ўзида. Вой, ўзингиз ўқиган одам бўлатуриб озодликка тўсқинчилик қиласизми?

Кўчадан ғозлар товуши эши билади.

Қўйинг, қўйинг, гапни чўзманг! Вақтим йўқ!  
(Трубкани қўйиб кўчага қарайди. Ҳуморхон киради.) Ҳой Асқад, қўясанми, йўқми? Бироннинг ғозини қувлайверасанми?

Хуморхон. Ким, хола?

Фотима. Анови Тўлаганнинг эркатойи.  
Минаман деб фозларни қувлагани қувлаган.

Хуморхон. Бизнинг телефон яна бузилиб қолди. Эр бўлмай қора ер бўлгур шуни яхшироқ тузатдириб қўймайди! Мумкинми...

Фотима. Бемалол... (Пақирни қўйиб, уйга киради.)

Хуморхон (трубкага). Йигирма тўрт — етмиш тўрт... Салом. Ҳуморхонман. Аҳаджон акам бормилар? Шунақами... Раҳмат... Кечирасиз... Йигирма — тўқсон саккиз... Уртоқ Заргаров бормилар? Қаёққа? Раҳмат. Кечирасиз... Йигирма уч — саксон тўққиз... Уртоқ Заргаровнинг оиласлари бўламан... А? Қаёққа кетди экан? Айтмадими? Раҳмат! Кечирасиз. (Трубкани қаттиқ қўйиб ўрнидан туради.)

Насиба (югурниб киради). Ду-дудуд!.. Радиатор... Аккумулятор! Қелинг, Ҳуморхон опа...

Фотима уйдан чиқади.

Фотима. Қелинпошша! Сигирингизни соғиб оласизми... (Кунга қараб). Мен номозимни ўқиб олай.

Насиба пақирни олиб ўйнаб чиқиб кетади. Телефон жиринглайди.

Ким? А? Ҳозир. (Чиқмоқчи бўлган Ҳуморхонга.) Манг! Эрингиз! (Жойномозни олиб номозини бошлийди.)

**Х у м о р х о н (трубкага).** Лаббай! Аҳаджон ака! Қайси гўрда юрибсиз, телефон қилмаган жойим қолмади! Нима бўлди путёвка? (*Та’би хира бўлиб.*) Вой, курортга кетаётипман деб ҳаммага овоза қилиб қўйганимдан кейин йўқ дейсизми! Керакмас, путёвга топиб келмасангиз уйга киргизмайман! (*Трубкани қўяди, номоз ўқиётган Фотимани четлаб ўз ҳовлисига чиқиб кетади.*)

Машина гудоги. Бир қўлида ҳасса блан шляпа, бир қўлида ўрам, **М а р а с у л** киради. У оёқ учида юриб уйга кириб кетаётганида **Ф о т и м а** унга кўз қири блан қарайди.

**Ф о т и м а (саждага кетаётуб).** Шошма!

**М а р а с у л** бир тўхтаб яна йўлда давом этмоқчи бўлади.

**Шошма** дейман. У нима?

**М а р а с у л.** Хитойи халат.

**Ф о т и м а.** Буёққа бер! (*Халатни очиб кўради.*) Қачон ақлинг киради!

**М а р а с у л.** Ҳмм...

**Ф о т и м а (фотиҳага қўл очиб).** Нима қиласан латтани? Йўқот! Илм бошқа экану, ақл бошқа экан-да!

**М а р а с у л.** Келинингиз бир хурсанд бўлсин деган эдим-да!

**Ф о т и м а (юзига фотиҳа тортиб).** Хотиним хурсанд бўлсин десанг, тилла узук олиб бер, тилла билагузук, қўш-қўш тилла соат олиб бер! Хотининг ҳам хурсанд, ўзингниг ҳам бир кунингга ярайди. Ўзингни тиллага ур, онанг айлансин **Марасул**, ўзингни тиллага ур!

**М а р а с у л.** Энди буни магазин қайтиб ол-

майди-да... (Эслаб.) Хуморхон шунаقا нарсаларга ўч, ўшанга оширамиз.

Фотима. Ошир!.. Мактабдан телефон қилди. Яна ўша гап! Тезроқ жўнай қолинглар!

Марасул. Чатоқ бўлаётитпи-да! Бориб-бориб менга гап тегмаса эди дейман-да...

Фотима. Насибанинг ўзи ўқишини хоҳламаса ҳечкимга гап тегмайди. Озодликка чиққандан кейин хоҳласа ўқийди, хоҳламаса қатиқ сотади. Олиб кетавер. Шунча ўқипти — бас, бундан ортиқ ўқиса тепангга чиқиб кетади. Ишлайсан, пул топасан — роҳатини кўр! Меннинг ҳам илгариги қувватим қолган эмас. Мен ҳам дун'ёга умид блан келганман, оёғимни узатиб ўтирармиканман деб ўғил ўстирганман.

Марасул. Тўғри-ю, лекин буёқда мактаб, буёқда комсомол...

Фотима. Борди-келдиларингга икки ой кетар экан. Икки ойгача, эҳе! Эсидан чиқади кетади.

Фартук тутиб олган Насиба киради.

Насиба. Ая, сутни нима қилай?

Фотима. Ўзим саранжомлайман (*чиқади*).

Насиба. Нима олиб келдингиз, Марасул ака?

Марасул (*халатни беради*). Лекин ўзимга ёқмай турипти, пастрофи экан.

Насиба. Кийиб кўрай-чи!

Марасул. Арзимайди.

Насиба, унинг кетидан Марасул уйга киради. Заргаров, Хуморхон, буларнинг кетидан Ризамат ҳовлиқиб киришади ва телефон томон боришади.

**Заргаров** (*Ризаматга*). Боятдан бери айтмайсанми?..

**Хуморхон.** Сизнинг путёвка тополмаслигингизни қаёқдан билсин!

**Заргаров.** Нима, ким дединг?

**Ризамат.** «Инобат» артелининг раиси Раҳимов Малик.

**Заргаров** (*трубкага*). «Инобат» артели... А? Банд? Об-бо... (*Трубкани қўяди*.) Путёвка олдим, деб ўзи айтдими?

**Ризамат.** Ўзи айтгани йўқ, мен сўрадим... Оғайним...

**Заргаров.** Олдим, дедими?

**Ризамат.** Ҳа, кеча олган экан?

**Заргаров** (*трубкага*). «Инобат» артели... (*йўғонроқ товуш блан*.) Раис борми? Ие, салом... Заргаровман. Раҳмат... Йашлар қалай? Дуруст, дуруст...

**Хуморхон.** Гапни чўзманг!

**Заргаров.** Бизнинг бошимизга бир мушкул иш тушиб қолди-да. Умр йўлдошимиз қаттиқ бетоб...

**Хуморхон.** Бунақа гапларни сизга ким қўйипти, хотиним деяверинг!

**Заргаров.** Ҳа, хотиним... Кисловодскка бир дона путёвка олган экансиз, шуни бизга берсангиз, биз сизга янаги ойга тўғриласак, қалай бўлади? Одам юборайми? Раҳмат. (*Трубкани қўяди*).

**Хуморхон.** Бўлдими?

**Заргаров.** Албатта! Одамни шошириб юборасиз-а!.. Ризамат, бор, путёвкани олиб кел! Машинада бориб келақол.

**Ризамат** чиқиб кетади.

Лекин шунақа одамларга телефон қилиш яхши эмас, жоним! Бунақада обрў қоладими?

Хуморхон. Обрў? Обрў борми сизда? Битта путёвкани тоғам аралашмагунча эплолмадингиз-ку! Обрў эмиш! Обрў десангиз хотинингзининг тоғаси завхоз бўлиб юрармиди!

Заргаров. Ичмаса экан, бошқа ишга қўйсам! Араққа нон тўғраб ейди!

Хуморхон. Бўлди, бўлди, пул топинг!

Марасул блан Насиба уйдан чиқади.

Насиба. Хуморхон опа, буёққа келинг-а! Сизга бир нарса кўрсатаман! (*Хуморхон блан уйга кириб кетади.*)

Марасул. Келинг, Аҳаджон ака... Марҳамат!

Заргаров. Путёвка масаласи ҳал, энди билетга, йўлга бироз пул бўлса... Яна бирон уч минг қарздор қилиб турасан, ука.

Марасул. Жоним блан!

Фотима паранжи ёпиниб, бидон кўтариб киради ва кўча эшиги томон йўналади.

Ая, пулингиз борми?

Фотима (*Заргаровга кўз қирини ташлаб*). Йўқ эди-ку.

Марасул. Қаранг, бордир, Аҳаджон акамга уч минг зарур бўлиб қолипти.

Фотима (*ўзича*). Об-бо!.. (*Заргаровга*) Озроқ бўлса бўлмайдими? Озроқ олсангиз беришингиз осон бўлар эди? (*Беради*). Мана, санаб олинг. (*Инқиллаб чиқиб кетади*.)

Заргаров (*пулни ёнига солиб*). Раҳмат! Зап онанг бор-да!.. Бир тийинни қирғич блан

қириб олади киши-я! Мен бориб билёт олиб келай бўлмаса.

Марасул. Мен машинани поликлиника-нинг гаражига қўймоқчи эдим. Юринг...

Иккови чиқиб кетмоқчи бўлиб турганда Насиба, халат кийган Хуморхон уйдан чиқади.

Марасул. Ўҳ-ўҳ-ўҳ!.. Жуда ярашипти-ку, Хуморхон!

Насиба. Менга ярашмаганмиди?

Марасул. Сизга ҳам ярашадио жизми каттароқ!..

Хуморхон (*Заргаровга*). Гапирсангиз-чи!

Заргаров. Дуруст, дуруст.

Хуморхон (*Насибага*). Опаси ўргилсин, менга беринг, мен сизга бошқа нарса олиб бераман.

Марасул. Насиба сиздан битта эмас, ўнта халатни ҳам аямайди (*кўз қисади*).

Насиба. Майли...

Хуморхон (*Заргаровга*). Пулингиз борми?

Заргаров. Бераман, бераман. (*Марасулга*) Қейин суришамиз.

Марасул. Майли-майли... (*ўзича*.) Бунга ҳам куйдик...

Ризамат киради.

Ризамат. Мана, путёвкани олиб келдим.

Хуморхон (*севиниб*). Вой!..

Заргаров. Яхши. (*Марасул блан бирга чиқиб кетади*.)

Хуморхон. Юринг, тоға!

Иккови чиқиб кетади. Насиба хомуш бўлиб ўтириб қолади. Чимматсиз паранжи ёпинган Роҳила киради.

**Насиба** беркинади, **Роҳила** бирнеча марта чақиргандан кейин орқасидан келиб қучоқлайди. **Роҳила** чўчиб кетади.

**Насиба.** Шунаقا, бирдан кетадиган бўлиб қолдик, ая!

**Роҳила.** Ой бориб, омон келинглар!

**Насиба (бахтиёр).** Қавказ! Пушкин... Лермонтов... Сиз барибир тушунмайсиз!.. (*Онасини танцага олиб тушади.*)

**Роҳила.** Вой, вой!.. Қўй, бошим айланиб кетди. (*Зийнат асбобларини ҳавас блан кўздан кечириб.*) Буюрсин! Насиб қилсии!.. Янги келин бўлиб тушган кунларим даданг раҳматлик битта қалай узук олиб келганда қанча суюнибман!.. Жон қизим, дун'ёда давлатдан катта баҳт йўқ! Давлат бир марта келади, келганда маҳкам ушлаш керак! Эрингни иззат қил! Қайнанангни иззат қил! Эрталаб саломга чиқаётиссанми?

**Насиба.** Э!..

**Роҳила.** Ундоқ дема, қизим! Гапимга кириб кам бўлдингми? (*Ховлини кўрсатиб.*) Мана!

**Зуҳра** киради.

**Зуҳра.** Салом!

**Насиба** югуриб бориб уни қучоқлайди.

**Роҳила.** Вой, Зуҳрабуви! Эсонмисиз... Эсон-омон келдингизми... Қачон келдингиз?

**Зуҳра.** Кечада... Тўйлар қуллуқ бўлсин... Қуллуқ бўлсин, қизим.

**Насиба.** Раҳмат.

Роҳила. Тўйга келмадингиз... Ўзи ҳам бирдан бўлиб, кўп одам билмай қолди!.. Хўп тамоша қилиб келдингизми? Семирибсиз! Дом отдих ёқипти...

Насиба (*хурсанд*). Биз курортга кетаётимиз!

Зуҳра. Эшитдим...

Роҳила. Болагинамнинг суюнганини кўринг.

Насиба. Ўн бир минг сўм блан кетаётимиз!

Зуҳра. Пул яхши нарса, лекин босиб олган одамга яхши. Пулки кишини хазондай учириб юрдими, ундаи пулдан қўрққилик!

Насиба. Кимни учирити?

Зуҳра. Мана, сени! Сени учириб курортга олиб кетаётити.

Роҳила. Ёмонми?

Зуҳра. Мактабидан юлиб олиб кетаётити-да.

Роҳила. Айланай, Зуҳрабуви, ҳозир ҳамма ҳам эрга теккунча ўқийди.

Зуҳра. «Ким табиб, бошидан ўтган табиб» дейишар эди, илмсизлик бошингиздан ўтатуриб шу гапни гапирасиз-а?

Насиба (*аччиғи келиб, онасига*). Ўқийман!

Роҳила. Ҳа, ҳа, ўқийди.

Марасул киради.

Зуҳра. Мактабда ачинмаган одам йўқ.

Марасул. Э, қелинг, хола, қелинг! Ўйнабкулиб келдингизми... Насибахон, аям қанилар?

Насиба. Ҳозир келадилар.

**Марасул** (*Роҳилани кўриб*). Э-э!.. Келинг...

**Роҳила.** Яхшимисиз, болам...

**Марасул.** Насибаҳон, ошни тезроқ есак. Чойни шошмасдан ичиб поездга чиқсан дейман-да.

**Насиба.** Ая, ҳаммаси тайёр, ўчоққа ўт ёқиб юборинг.

**Роҳила.** Хўп, кўплашиб бирпасда қиласиз (*чиқади*).

**Насиба.** Мен ҳозир гуруч олиб чиқаман (*уйга киради*).

**Зуҳра.** Ёш қизни олганинг бир сари, энди буни ўқишидан қўйиб курортга олиб кетаётганинг нимаси?

**Марасул** (*аччиғи келиб*). Шу ишга аралашмаган мактабнинг қоровули қолган эди, холос! (*Чиқмоқчи бўлади*.)

**Зуҳра** (*этагидан тортиб*). Шошма!

**Насиба** уйдан гуруч олиб чиқиб ошхонага ўтиб кетали.

**Марасул** (*кетидан*). Насибаҳон! (*Чиқмоқчи бўлади*.)

**Зуҳра** (*этагидан тортиб*). Шошма!

**Роҳила** (*төвуш*). Зуҳрабуви!

**Зуҳра.** Лаббай! Ҳозир...

**Марасул.** Боринг! Аям йўқ эканлар, қарашинг... Лекин закунчилигинги зни қўйинг! Ҳафа бўламан!

**Зуҳра.** Агар шуни ўқишидан қўйиб курортга олиб кетадиган бўлсанг, сендақа жияним йўқ!

**Марасул.** Хўп, хўп, боринг!

Зуҳра чиқади. Насиба киради.

Насиба. Марасул ака... Халатни ўзим кияман. (Эркаланиб.) Ҷеракмас, қайтиб берсин!

Марасул. Аввали шуки, мен магазинда яхши қарамабман, кийилган экан, ундан кейин, рангги менга ёқмади. Сизга бошқасини олиб бераман... Қўлингизни беринг (тилла соат кўрсатади).

Насиба. Вой! Тилла соатим бор эди-ку!

Марасул. Икковимиз ўтказадиган олтин умрнинг олтин минутларини ҳарқанча олтин соат санаса оз!

Насиба. Раҳмат...

Марасул. Ҳа, айтгандай, «Зим»нинг ҳам йўлини қилиб қўйдим. Қайтиб келганимиздан кейин «ЗИМ» оламиз.

Насиба (севиниб). Вой! (Ўзини Марасулнинг қучоғига отади.)

Марасул уни ўпмоқчи бўлганда кўчада милиционер ҳуштак чалади. Кўча деворидан устма-уст иккита бидон ошиб тушади, сўнг, Фотима кириб эшикни танбалаб олади.

Зуҳра (киради, ҳайрон). Нима гап?

Марасул. Ая, холам келдилар.

Фотима (Зуҳрани кўради). Ие! Қел... Эсономон келдингми... Тўйга нега келмадинг? Болам бечора сенга телеграмма юбориб беш сўм олтмиш тийин нақд пулга куйиб қолаверди.

Қўлида капгир, Роҳила киради.

Роҳила. Насиба, гуручинг сув кўтарар-миди?

**Фотима** (*Роҳилани кўриб*). Вой, қудам кептилар! Вой, гиргиттон! Эсонмисиз, омонмисиз... Ҳой, келинпошша, қудамни нега уринтириб қўйдингиз? Қудагинамни нега уринтириб қўйдингиз?

**Насиба** онасининг қўлидан капгирни олиб чиқиб кетади.

**Мана** буёқقا чиқинг, қудажон! Омин!.. **Милица** ўлгир ҳеч қўймайди... сутни бозорга обориб сот дейди.

**Марасул** (*Зуҳрага*). Ўз холам бўлатуриб тўйга келмадингиз-а? Ўгай бўлсангиз ҳам хафа бўлмас эдим.

**Фотима**. Үгайдан баттар бу!

**Насиба** кўкпиёз, редиска олиб киради.

**Насиба**. **Марасул** ака, кўкпиёз тўғрашга устасиз...

**Марасул**. Ўткир пичоқ бўлса!

**Насиба** (*Роҳилага редисканни бериб*). Ая, сиз редиска арчишни яхши кўрар эдингиз...

**Фотима**. Вой, менга беринг, келинпошша!

**Насиба** (*Зуҳранинг ёнига ўтириб*). Хола, бирам соғиндимки!..

**Марасул**. Насибахон, боринг, қозонга қараб туринг!

**Насиба** чиқади.

**Марасул** (*ниёз тўғаркан*). Дом отдиҳга ҳарқачон борса бўлаверади, тўй деган нарса одамнинг умрида бир марта бўлади.

**Зуҳра**. Тўйингнинг та’рифини эшитдим, шу

ерда бўлсам ҳам келмас эдим. Эскича тўйга боргани номус қиласан.

Марасул. Нимаси эскича? Вино, арақ, артистлар...

Зуҳра. Домла-имом, никоҳ...

Марасул. Аяларим учун ўқитдим! Оббо!..

Зуҳра. Аяларинг никоҳга бошқоронғи бўлган эканми?

Фотима. Ҳой, имонсиз, онасини рози қиласа, онасининг охиратини ўйласа ёмонми?

Зуҳра. Сен тўлка ўзингни дейсан! Бу дун'ё куйса куйсинки, сенинг охиратинг бўлсин! Охиратга мунчалик ҳирс қўйган экансан, бора-вер!

Фотима. Оғзингдан чиқиб ёқангга ёпиши-син!

Хуморхон киради, Роҳила ва Зуҳра блан кўришади.

Келинг Хуморхон.

Хуморхон (*Фотимага*). Хола, мен нарсаларимни сизга қўйиб кетаман-да.

Фотима. Бемалол!

Хуморхон (*ташқарига*). Тоға! Спальнийдаги катта сандиқни олиб чиқинг. Устидаги нарсаларни Аҳаджон акамнинг кабинетларига олиб кириб қўйинг!

Ризамат (*төвүши*). Хўп...

Фотима. Ўтилинг, Хуморхон.

Насиба офтоба блан дастшу олиб киради ва Марасулнинг қўлига сув қўймоқчи бўлади

Ҳай-ҳай!.. Қудамдан бошланг, келинпошиша, она рози — худо рози!

**Зуҳра.** Мунча!.. Ўзинг нега онамизнинг розиликлариға қарамаган эдинг, Шариф оқсоқолга берамиз деганда нега қари деб ўзингни ҳовузга ташлаган эдинг?

**Фотима.** Ёшларнинг олдида тек ўтири!

**Насиба** (*Зуҳрага дастшу тутиб*). Қўлингизни ювинг, хола.

**Зуҳра.** Оёғим бутун, ўзим бориб ювиб келаман.

**Насиба** (*Хуморхоннинг қўлига сув қуяётуб*). Розиликда ҳам розилик бор-да, ҳаммасига қараб бўлар эканми?

**Хуморхон** (*та'лимомиз*). Унақа деманг, опаси ўргилсин, бир вақти келиб армон бўлади. Дун'ёда онадан азиз нарса борми! Мана мен, раҳматлик онамнинг розиликлариға қараб отам тенги Заргаровга хотин бўлиб ўтирибман-да.

Марасул Хуморхонга ҳайрон бўлиб қарайди. **Насиба** чиқади.

**Фотима.** Баракалла, қизим!

**Роҳила.** Раҳмат!

**Насиба** ош келтириб қўяди..

**Марасул.** Қани, олинглар!

**Хуморхон.** Заргаровга тегиб нима кўрдим!..

**Зуҳра** (*кулади*). Яна нима кўрмоқчи эдингиз! Еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда, бу кўрганингизга кўнглингиз тўлмаса, хали ёшсиз, ўқинг! Шундай замон бўлсаю, одам ўқимаса!

**Фотима.** Нима ишинг бор?

**Хуморхон.** Илмим ўзимга етади.

Марасул. Хуморхон институтда ўқиган.  
Учтами, йўқ, тўртта институтда ўқиган. Яқинда доцент бўлади.

Зуҳра. Вой, илм увол эмасми, нега ишламайсиз? Ҳозирги замонда сичқон тутмайдиган мушук ҳам одамнинг кўзига хунук кўринади-я!

Фотима. Сенга нима?

Хуморхон. Серзам ярамайди.

Зуҳра. Ҳмм... Ундан бўлса нолимасангиз ҳам бўлади; Заргаров жуда сизбоп эр экан!

Хуморхон (*тутақиб*). Нега менбоп бўлар эка-ан?.. Вой!

Роҳила. Олинг, Зуҳрабуви!

Зуҳра. Хўп, Заргаров амалдор эмас, елкасига арқон ташлаб бозорда юрган ҳаммол бўлса тегармидингиз?

Хуморхон. Вой, менга нима қипти!.. Оғзим бор деб гапиравераркансида! Қанақа бетамиз хотинсиз!

Зуҳра. Хафа бўлманг... «Она розилиги» деганингизга айтдим.

Марасул. Бўлди энди, хола! Сизга нима оғирлиги тушди?

Фотима. Ҳой, қўясанми, йўқми?

Хуморхон (*ўрнидан туриб кетади*). Менга ўргатманг! Ўргатадиган бошқа дурустроқ одам топилиб қолар!

Роҳила. Унақа деманг, қизим, ҳарқандай бўлганда ҳам сиздан катта...

Хуморхон. Катта бўлиб ким бўлиб кетити, мактабнинг эшигида ўтирадиган бир жужур-да!

Насиба (*аччиғи келиб*). Хуморхон опа!

Зуҳра. Ҳа, жужурман. Эл-юртга ҳарким

қўлидан келган хизматини қилади. Сиз жужур ҳам эмассиз-да, хоним, тўлка хотинсиз! (*Паузадан кейин.*) Лекин, сигирнинг қулоғига тушган канадай, эрни сўриб ётиш ҳам яхши касб!..

Пауза.

Марасул. Холам русчани ҳам қойил қила-дилар... (*Масхара қилиб.*) «Тўлка хотинсиз!»

Зуҳра. Тилим келишмайди. (*Бирдан.*) Тилим келишмаса ҳам дилим келишади. Сенинг тилинг келишса ҳам дилинг келишмайди.

Марасул (*ғазабланиб*). Нима бўлипти дилим келишмай?

Зуҳра. Русчани яхши гапирасану русча билган одамга ҳеч ҳам ўхшамайсан!

Роҳила. Ошдан олинг, Зуҳрабуви!

Зуҳра. Қорним тўқ, обед қилиб келган эдим.

Фотима (*бўғилиб*). Ҳеч бўлмаса насибангни олсанг-чи! Қандоқ чулчутсан!

Зуҳра. Насибахон, менга қошиқ беринг.

Фотима. Оббо, олифтагарчилик ўлсин!..

Насиба (*қошиқ беради*). Мана, хола!

Марасул (*кулиб*). Ота-бобонгиз қилган ишни қиласверсангизчи!

Зуҳра. Сенинг отанг тия миниб чорбозорчилик қиласар эди, сен «Победа» миниб бошқа иш қилиб юрибсан шекилли...

Фотима (*тутақиб*). Қачон келсанг шамолтўполон блан келасан-а! Дийдоринг қурсин!

Зуҳра. Хафа бўлма, ҳар замон келиб шамоллатиб турмасам, чириб, ириб кетасан!

Марасул (*ўрнидан туриб кетади, оғзида*

*оши*). Одам сафарга кетаётганда хафа қилмасангиз нима бўлар экан?!

**Фотима.** Йўқлаб келмай ўл!

**Зуҳра.** Мен сени йўқлаб келганим йўқ. (*Насибани кўрсатиб*). Мана буни йўқлаб келдим, ҳали тузуккина қанот чиқармай учишга талпинган мана бу чумчуқболанинг ҳолидан хабар олгани келдим.

**Роҳила.** Вой, Зуҳрабуви, сизга нима бўлди, менинг қизим нега чумчуқбола бўлар экан...

**Марасул.** Нега чумчуқ бўлар экан?.. Кичкина бўлса чумчуқ бўлаверадими! (*Роҳилага*.) Гапиринг!..

**Зуҳра** ўрнидан туради, унга қараб бир нима демоқчи бўлади-да, айтмайди, кўча эшиги томон йўналади.

**Насиба.** Хола!.. (*Унинг кетидан чопади*.)

**Зуҳра** чиқиб кетади.

**Фотима** (*Насибага эшиштириб, Марасулга*). Узинг биласан, жинни-ку бу ахир, нима қилар эдинг teng бўлиб? (*Роҳилага*.) Шунаقا дарди бор, тутиб қолса ҳечкимни танимайди.

**Заргаров** киради.

**Заргаров.** Ҳой, соат неча бўлдики, баҳазур ўтирибсизлар? (*Ошга кўзи тушиб*.) Ошми? Хуморхон, мана билет...

**Насиба.** Ўтиринг, Аҳаджон ака... Мен ҳозир... (*Чиқади*.)

**Хуморхон.** Бу бешинчи купэ-ку! Буларники олтинчи купэга!

**М арасул.** Майли, майли, ўзимиз суриншамиз.

**Насиба** косада ош келтириб Заргаровнинг олдига қўяди ва қўлига сув қуяди.

**Заргаров** (*Марасулга*). Энди буёғини сенга топширдим... (*Ошга иштаҳа блан қўл узатади.*)

Каттакон сандиқ қўтариб Ризамат киради. **Марасул** блан Заргаровдан бошқа ҳамма унга қарашади.

**Марасул** (*тишини ковлаб*). Сал қўтариинг Ризамат ака!

**Заргаров** (*оғзидағи ошни зўрга ютиб*). Йўқ-йўқ, пастроқ тушир!

Ризамат хотинларнинг ёрдами блан сандиқни уйга олиб киради. Телефон жиринглайди.

**Марасул** (*трубкани олиб*). Доктор Марасул Ҳузуржонов! Поликлиникадан справка элтиб бердим-ку! Диракцияга бердим... Ҳозир... (*Трубкани беркитиб, Заргаровга.*) Аҳаджон ака!..

**Заргаров.** Ким?

**Марасул.** Маориф мудири. Яна ўша гап. Жонга тегди. Икки оғиз гапириб қўйинг.

**Заргаров** ошни қўтариб аппарат олдига боради.

Сиз блан ўртоқ Заргаров гаплашмоқчилар (*Трубкани беради*).

**Заргаров** (*трубкага*). Салом... Докторни тинч қўясизларми, йўқми? А? Э, ўқитади-да, ўқитмай нима қиласди, сўқимга боқадими?

(*Кулади.*) Йўқ, мен ҳам Хуморхонни сўқимга боқаётганим йўқ. Ахир биздай одамга битта личний секретарь керакми, йўқми? Хўш? Кўй шунаقا гапларни! Менга қара, менга қара дейман!.. (*Жаҳли чиқиб трубкани бир чеккага қўяди ва ошини еяберади.*)

Уйдан Хуморхон блан Ризамат чиқади.

Хуморхон. Юринг! Тезроқ юрсангиз-чи!  
(Чиқиб кетади).

Ризамат ошнинг олдида үтолмайди: уёқ-буёққа қараб чўнтағидан чоракта арақ олади, пиёлага қўйиб ичади ва ошдан бир-икки луқма олади.

Хуморхон (*төвущи*). Тоға!

Ризамат (*оғзи тўла оши*). Ҳа!.. (Ошдан яна битта олиб чиқиб кетади).

Заргаров (*трубкани олади*). Бўлдингми? Менга сиёсатдан дарс бериб бўлдингми дейман? Хўп, қулоқ сол бўлмаса: сен сиёсатни китобдан ўрганган бўлсанг, мен амалий ишда ўрганганман, мени мот қилолмайсан! Гапни кўпиртирма! Ҳозир мактаб директорига телефон қилиб айт! Комсомолларига ҳам айтиб қўйсин, ҳадеб одам юбориб совет докторининг обрўйини тўқабермасин! (*Трубкани қаттиқ қўяди.*)

Марасул (*суюк ташлаб*). Амалдор деган мана шунаقا бўлса ҳеч тап тортмай уёфини уёққа, буёфини буёққа қилиб ташласа!

Заргаров. Нимадан тап тортаман!.. Олса столини олади-да. Артелимга бориб яна раислигимни қилавераман. Муовинлик ўзимга ҳам ўтиришмаётитпи. Раис йўлни жуда тор олади-

ган одам экан? (*Ўз уйи томонга.*) Хуморхон!  
(Чиқади.)

Фотима уйдан чиқади.

Фотима. Марасул! Келинпошша! Қани сизлар?.. Қуда...

Уйдан Роҳила блан Насиба чиқади.

Буёққа келинглар! Онанг айлансин, Марасул, хотининг ёш, кимда нима кўрса ҳавас қиласди. Нима дедингиз, қуда?

Роҳила. Умрингиздан барака топинг, хўп зийраксиз-да!

Фотима. Ўша томонларда марварид арzon эмиш, келинпошшанинг бўйини марваридга тўлдириб кел!

Роҳила. Қизим, ўп қайнанангни!

Насиба сакраб Фотимани ўпади.

Хуморхон, Заргаров унинг кетидан иккита чемодан кўтарган Ризамат киради.

Хуморхон. Кетдикми... (*Фотимага.*) Нарсаларни сизга, сизни худога топширдим. Тоға, қани юринг!

Насиба. Хайрми энди...

Фотима. Омин!

Роҳила (*Насибага*). Қизим, онанг ўргилсин, одамлар излаб тополмаган баҳт сени қидириб юрган экан? Оқ йўл! Хат ёзинглар!

Ҳамма кузатиб чиқади. Хайрлашилган товушлар.  
Машина жўнайди. Фозлар қагиллайди.

ПАРДА.

## ТҮРТИНЧИҚУРИНИШ.

Уша декорация. Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтган. «Ичкари» акси уриб қолган, лекин бўйни ва қўлларида-ги зийнат асбобларидан кўз қамашадиган Насиба боласини беланчакка солиб аллаламоқда. Марасул супада хуррак отиб ухламоқда.

Насиба. Алла, алла... Алла, кўзим, алла...  
Жоним болам, алла...

Бола йиғлайди.

Марасул (уйғониб). Йиғлатмасанг-чи!  
Қўлингга ол! (Пауза.) Битта кўк чой дамлаб кел.

Насиба боласини олиб чиқиб кетади. Хуморхон киради, яна ухлаб қолган Марасулнинг бурнини қитиқлаб ўйғотади.

Марасул. Э, қўйсанг-чи!..  
Хуморхон. Уф, бирам зерикиб кетаётибманки!.. Марасул ака, машинангизга солиб бир айлантириб келсангиз-чи!

Марасул. Аҳмоқ бўлма! Эринг билиб қолса нима дейди!

Хуморхон. Ўзингизга керак бўлганда эрим эсингизга келмайди-ку! Тулинг!

Марасул. Ҳозир мени қимирлатма. Савоварда ош қилган эдик, кўпроқ еб қўйибман.

Насиба чой олиб киради.

Қуй, шопириб-шопириб қуй!  
Фотима (товуши). Келинпошта! Хамирингиз тошиб кетгандир!

**М а р а с у л.** Товуш берсанг-чи!

**Н а с и б а.** Ҳозир... (боласини беланчакка со-  
либ, чиқмоқчи бўлади.)

Бола йиғлайди.

**М а р а с у л.** Болангни олиб кет!

**Х у м о р х о н.** Менга бера қолинг, опаси  
ўргилсин!

**М а р а с у л.** Қўйинг, олиб кетсин!

**Н а с и б а** болани олиб чиқиб кетади.

Тоқатим борми!..

**Н а с и б а** бир қўлида бола ва бир қўлида тогора, ўтиб  
боради.

**Х у м о р х о н.** Вой, опаси ўргилсин, хамир  
қилганмидингиз... Қарашворсам бўлар экан...

**М а р а с у л.** Қўяверинг!

**Н а с и б а** чиқади.

**Х у м о р х о н.** Битта туғди-ю қўтири эчкидай  
бўлди қолди-я!

**М а р а с у л.** Туққанидан кейин кўп дард  
тортди-да!

**Х у м о р х о н.** Оббо! Ҳечким туғмапти, ҳеч  
ким дард тортмаптими!.. Танавори шунаقا ўзи!

**М а р а с у л.** Тўғри! Танавор деган мана  
бунақа бўлади.

Уни ўзига тортиб ўпаётганда **З а р г а р о в** киради.

**З а р г а р о в.** Марасул!

**М а р а с у л** (*Хуморхоннинг тишини кўрган  
бўлиб*). Тиш деганга қараб туриш керак-да!

Боринг, тандирда ўт бор, лунжингизни тутиңг!  
Газак олиб кетипти...

Хуморхон жагини ушлаганича чиқиб кетади.

Заргаров. Нима қипти?

Марасул. Миокардиодистрофия!

Заргаров. Шунақами? (*Ўтириб*.) Чойдан қуй! Олганимда ҳам жағ тишининг мазаси йўқ эди ўзи...

Марасул (*чой узатиб*). Ҳа, Аҳаджон ака сизнинг ҳам тишиңгиз оғриётитими?

Заргаров. Юрак! Юрагимни худди сичқон кемираётгандай!

Марасул. Бунинг иложи осон-ку: битта тирик мушук ютасизда...

Заргаров. Куласанда! Тани бошқа дард билмас... Оқила яна айнияпти!

Марасул. Хўш? Нима бўпти?

Заргаров. Ўтган куни пул юборган эдим, олмапти. «Менга садақа керак эмас, судга бе-риб қонуний алимент оламан» деган эмиш. Ҳайронман...

Марасул. Ундан бунаقا гап чиқмас...

Заргаров. Йўқ, сен билмайсан, бурунги Оқила эмас. Ишга кирғанига ҳам йил тўлаётитпи ахир!

Марасул. Айб ўзингизда! Нега ишга кирғани қўйдингиз?

Заргаров (*бўғилиб*). Қизиқмисан, мендан сўраптими!.. Энди, ука, сен яна бир бориб ҳовурини тушириб келасан-да!

Марасул. Ўзингиз борганингиз ма'қул, Аҳаджон ака, хотин киши яхши гапнинг гадоси:

бошини силасангиз мушукдай дарров хуррак отади.

Заргаров. Йўқ, йўқ! Менинг фе'лимни биласан-ку: жаҳлим чиқса, тангадай жанжални ғалвирдай қиласман қўяман. Сен борақол! Эртага эрталаб жўна!

Марасул. Хўп.

Хуморхон бошига сават қўйиб киради.

Хуморхон. Кеп қолинг, иссиқ нон бу! (*Кулги. Заргаровга саватни тутади.*) Ҳа, айтгандай, кимдир телефон қилиб сизни сўраган эди.

Заргаров (*хавотир олиб*). Ким экан, сўрамадингизми?

Хуморхон. Йўқ!

Боласини кўтариб Насиба киради ва уйга томон йўналади.

Хуморхон. Насибахон, нонни қаерга қўяй?

Насиба. Буёққа олиб келинг.

Иккови уйга кириб кетади.

Заргаров (*Марасулга*). Райкомдан бўлмасин тағин? Оқила бир балони бошлаган бўлса-я?

Марасул. Э-э-э... Юракдан ҳам бор эканда!

Телефон жиринглайди. Хуморхон уйдан чиқади.

Марасул (*трубкага*). Ҳузуржонов.. (*Важима қилиб.*) А?

Заргаров (*чўчиб*). А?

Марасул. Ие, хола сизмисиз...

Заргаров. Холанг ўлиб, холасиз қол!...

Марасул. Ҳа-ҳа, шу ердалар. Ҳўп...  
(Трубкани Заргаровга беради.)

Заргаров (*аччиғи қелиб, трубкага*). Ҳали уйга телефон қилган ҳам сизмидингиз? Ҳўш, нима дейсиз? Қим? Клуб мудири? Ҳўп, беринг... (*Бошқа тонда*.) Салом!.. Раҳмат!.. Ҳа, Зуҳрахоним ўтган куни айтган эдилар. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа. Зуҳрахоним актив бўлганларидан бери жонингиз кириб қолгандир? Ҳа, комсомол қизларингиздан қолишмайдилар. Ҳўп, соат олтига етиб бораман (*трубкани қўяди*).

Марасул. Нима гап?

Заргаров. Хотин-қизлар клуби мендан «Совет оиласи» деган мавзу’да бир доклад қилиб беришимни сўраган эди, ҳўп деб, эсимдан буткул чиқиб кетипти.

Хуморхон. Нега ҳўп дедингиз, секретарингиз касалхонада, докладни сизга ким ёзиб беради?

Заргаров. Ие, буниси эсга келмаптику... (*Эсига тушади*). Айтгандай, кроватьнинг тагидаги доклад-халтани олиб чиқинг.

Хуморхон чиқади.

Марасул. Доклад-халта?

Заргаров. Бир альбом бор, секретарим қаерда докладбоп нарса кўрса қирқиб шунга ёпишириб юради. Шунинг отини «доклад халта» қўйганман.

Марасул. Доклад тайёр эмас, деб қўя-колсангиз бўлмасмиди?

**Заргаров** (*секин*). Хомкаллә! «Совет оиласи нима эканини ўзинг билмайсанми, тайёрлик кўришнинг нима кераги бор?» деб қолса, нима деган одам бўламан? Буёқда Оқила! Нозик пайт!..

**Марасул.** Ҳа, бу томонига ақлим етмапти.

**Хуморхон** каттакон альбомни зўрға кўтариб киради.

**Заргаров.** Мана бунда ҳамма гап бор! Қанақа доклад керак бўлса секретарим шунга қараб бирпаста боплар эди. Қани, **Марасул**, қоғоз-қалам ол-чи!

**Марасул** (*қоғоз-қалам узатиб*). Хуморхон, сизнинг хатингиз чиройлироқ!..

**Хуморхон** (*ёзишига чоғланиб соатга қарайди*). Соат олтига етиб бораман дедингиз, олтигача ёзиб бўлармиканмиз?..

**Заргаров.** Нега ёзиб бўлмайми? Докладнинг сиёсий қисми, рақамлар тайёр дейиш мумкин. (*Альбомни кўрсатиб*.) Мана! Фактлар масаласига келганда... (*Марасулга*) сенинг оиланг бор, менинг оилам бор, шунга қараб ёзаверамиз-да!

**Марасул.** Тўғри!

**Заргаров.** Ёзинг! Сарлавҳа, Сарлавҳа ёзилмайди.

**Марасул** (*Хуморхонга*). Тағин ёзиб юрманг!

**Заргаров.** Хўп... Сарлавҳа: «Совет оиласи!» Хитоб! Уч нуқта!

**Хуморхон.** Вой сарлавҳада хитоб блан уч нуқта нима қилиб юрипти?

**Заргаров.** Майли, ишқилиб бир нима

қўйинг, ўзингиз биласиз... Хўш, нимадан бошлаймиз?

Хуморхон. Оила масаласи бўлгандан кейин хотинлардан бошлаш керак-да!

Заргаров. Тўғри! (*Альбомни варақлайди.*)

Хуморхон (*ўйлайди ва айтиб ёзади*). «Бурунги вақтда эрларга чўри бўлган хотинлар ҳозир эрлар блан тенг»...

Заргаров. Тўғри, лекин ўчиринг! Келишириб ёзиш керак!..

Хуморхон. Бу келишмадими?

Заргаров (*альбомни тез-тез варақлайди*). Ҳозир-ҳозир... Ҳа, мана, мана! Ёзинг! (*Доклад тонида, баланд овоз блан*). «Ўртоқлар! Буюк Октябрь социалистик революциясидан бурун...»

Марасул. Аҳаджон ака, товуш ҳали керак бўлади, ҳозир бир парда пастроқ олаверинг.

Заргаров. Тўғри (*Бироз пастроқ, лекин доклад тонида*.) «...социалистик революциядан бурун ҳечқандай ҳуқуқقا эга бўлмаган...» Ана энди ҳалигини қўшасиз, я'ни «эрларга чўри бўлган меҳнаткаш хотин-қизларимиз ҳозирги даврда эрлар блан тенг ҳуқуқقا эга бўлиб, ўз озодликларини тўлиқ та'минлайдилар!» Ҳмм... Асли мана шуердан шуергача кирқиб ёпиштириб қўяқолсак ҳам бўлар экан. Елим борми?

Марасул. Насиба! Ҳой, Насиба! Аллақа-ерда докладбоп елим бор эди, топиб келинг!

Насиба (*товуши*). Ҳозир!

Заргаров. Хўш, энди нима деймиз?

*(Альбомни варақлаб.)* Ие, мана бу ерда Чернишевскийнинг гапи бор экан, буни ҳам қирқиб ёпиширинг!

Марасул. Ўртоқ Чернишевский ҳозир қаерда ишлайдилар?

Заргаров (*ўйлаб*). Тилимнинг учида турипти-я! Хайр, майли, кейин айтаман... Хўш, яна нима деймиз?

Хуморхон кўчирмаларни қирқиб ёпиширади. Марасул блан Заргаров иккови узоқ ўйлайди. Кирюваётган Насиба елим олиб киради.

Насиба. Мана... (*Боласини беланчакка ётқизиб, Марасулга*) Рўмолчангиз тозами?

Марасул фикримни бўлма, деб ишора қиласди; кир рўмолчасини олиб Насибанинг қўлига беради; носкисини кўрсатиб, оёғини узатади. Насиба унинг носкисини ечабошлади.

Фотима (*тovushi*). Келинпошша!

Насиба. Ҳозир...

Марасул. Ёзинг! «Мингларча ва юзмингларча озод хотин-қизларимиз...»

Насиба кетмоқчи бўлганда бола йиглайди.

Болангни олиб кетсанг-чи! Қўрмаётибсанми, буерда одамлар ишлаб ўтирипти!

Насиба болани олиб чиқиб кетади.

Яна битта қўшимча: «бахтиёр фарзандларимизнинг соғлом бўлиб етишуви учун...»

Фотима кираётиб қоқинади ва бидонлар қўлидан тушиб кетади. Ҳамманинг кайфи учади. Фотима бидонларини олиб кўчага чиқиб кетади.

**Заргаров (ўзига келиб).** Ҳмм... Чоракам бир соат вақт қолди. Секретарьнинг қадрига ётмай юрган эканман.

**Хуморхон.** Менга қаранг, бориб икки оғиз валақланг келингда, нима қиласиз буни ёзиб, ёпиштириб...

**Марасул.** Тўғри, бунақа пайтда тўртта масалану, саккизта я'ни — бир доклад-да!

**Заргаров.** Тўғри-ку, лекин мен гапирганимдан кейин «ўртоқ Заргаров ундоқ дедилар, Аҳаджон акам бундоқ дедилар» дегулик бўлиши керак-да!

**Марасул.** Демаса демас!

**Заргаров.** Хўп, майли. Борига барака, уёғини оғзаки боплайман. Хўп, мен кетдим бўлмаса. Хуморхон, юринг, менинг костюмим блан похол шляпамни топиб беринг!

**Хуморхон.** Шунақасиз-да, бир жойга борадиган бўлсангиз тугмангизгача солиб қўйишим керак. Эксплататор! (*Чиқади.*)

**Заргаров (Марасулга кўз қисиб).** Хотин бўлганингдан кейин қиласан-да! (*Чиқади..*)

**Насиба** киради, бола йиғлайди.

**Марасул.** Ҳой, тинчлик борми, йўқми?

**Насиба.** Ахир бола касал-ку

**Марасул.** Касал бўлса йиғлатмагин, касал бўлмайди.

**Насиба.** Қанақа одамсиз!

**Марасул.** Ие, тилингиз ҳам чиқиб қолип-тими? (*уйга киради.*)

**Фотима** киради.

**Фотима.** Қелинпошша! (*Бўш бидонни олдига қўйиб*). Менга икки бидон бермади, жувон

ўлгур! Сут кўп, лекин бур бидондан берайтипти.  
Юринг, бир бидон сиз олинг! Юринг!

Насиба. Йўқ, ая, мен... бормайман!

Фотима. Кўчанинг нариги юзида-ку, чиқиб келсангиз нима қилади? Бола блан борсангиз беочередь беради.

Насиба (*қат'ий*). Йўқ, ая, чиқмайман!

Фотима. Ҳар кун чиқинг деяётганим йўқ-ку!

Насиба. Гапирманг, ая! Бир қилмаганим колхоз дўконидан сут олиб сотиш қолганмиди?!

Фотима. Ҳўп, сиз арзандангизни қулоқлаб ўтиринг, оппоқ сочим блан мен чиқай! (*Йифламсираб*). Пешонам қурсин: ўғил ўстириб нима кўрдим! (*Паранжисини ёпиниб бидонни олиб, кўча эшигига томон йўналади.*) Дод! Золим келиннинг дастидан дод! (*Чиқади*).

Насиба (*боласини аллашиб*).

Небо спит, звезды спят,  
Спи и ты малышка...

(*Ўпкаси тўлиб*.)

Небо спит... звезды спят...

(*Куюниб йиғлайди*.)

Зуҳра киради.

Зуҳра. Насиба...

Насиба бошини кўтаради, Зуҳрани кўриб ўзини йифидан тиймоқчи бўлади, лекин баттарроқ хўрлиги келиб ўзини унинг қучогига отади.

Нима қилди, қизим?.. Гапир!

Насиба. Энди нима ҳам дейман... Менда гапиргани тил бўрми?.. Бошда ўртоқларим

айтишган эди... Айтганда кўзимга ҳаммаси ба-  
хил кўринган эди... Ўқитучиларим ҳам айтиш-  
ган эди!.. Тушимми, ўнгимми... Қанақа жойга  
тушиб қолдим, қанақа одамлар орасига кириб  
қолдим? Мактабимдан, ўртоқларимдан айрилиб  
топганим шу бўлдими!..

Зуҳра. Айрилганни айиқ ер, бўлинганни  
бўри ер деган гап бор. Эсинг кирипти — яхши!

Насиба. Шу кунимдан ўлганим яхши  
эмасми?

Зуҳра. Нега? Сенга нима қипти? Сен қо-  
қиндинг холос, йиқилганинг йўқ — яна ўртоқ-  
ларинг блан баравар қадам ташлаб кетишинг  
мумкин. Буёғи ўзингга боғлиқ. Кимга гапир-  
санг гапинг ўтади, қаёққа узатсанг қўлинг ета-  
ди. Сенинг ёшингда мана бизга қийин эди!  
(Ўйчан.) Бизнинг фар'ёдимиз ҳатто ота-онала-  
римизнинг ҳам қулоғига кирмас эди. (Бирдан.)  
Йиғлама, йиғидан ҳечким барака топган эмас!  
Юр!

Насиба (ҳайрон). Қаёққа?

Зуҳра. Клубга. Совет оиласи тўғрисида  
Аҳаджон аканг, ўртоқ Заргаров доклад қила-  
дилар. Бир эшитайлик, совет оиласи тўғрисида  
нима дер эканлар...

Уйдан Марасул чиқади.

Насиба. Марасул акамга айтинг бўлмаса..  
Сиз айтинг!

Марасул. Э-э-э... Қелсинлар!.. Қелинг, хо-  
ла... Дун'ёда бормисиз... Ҳеч келмайсиз...

Зуҳра. Мана, келдим...

Насибанинг рўмолчаси тушиб кетади.

*Марасул (рўмолчани дарров олиб беради.) Марҳамат, хоним...*

Зуҳра. Насиба мен блан клубга боради.

*Марасул. Э, бормисиз, шунақа қилинг...*  
*(Насибанинг қўлидан болани олади.) Боринг, кийиниб чиқинг!*

**Насиба** ҳайрон бўлади ва севиниб уйга кириб кетади.

Шунақа ишларга ҳеч ҳавсаласи йўқ, хола! Бир йилдан бери кўчага олиб чиқолмайману!.. «Юр, ҳеч бўлмаса кино кўрайлик» десам, «Кино келиб мени кўрсин» дейди. Айб ўзида-ю, яна ба’зан мендан нолиб ҳам қўяди. Билмаган одам алланималар деб ўйлаши мумкин.

Зуҳра. Мумкин! Бой деб ўйлаши ҳам мумкин, феодал деб ўйлаши ҳам мумкин. Нима деса кам!

*Марасул. Ие!..*

Зуҳра. Ўзинг ҳам боргин, сенбоп гаплар бўлади!

*Марасул. Жоним блан!..*

Заргаров блан Хуморхон киради.

Заргаров. Э-э, Зуҳрахоним, салом...  
*(Столдан қоғозларини олиб портфельга солади.)* Мени олиб кетгани келдингизми? Раҳмат, раҳмат... Қани, кетдик бўлмаса!

Зуҳра (*Марасулга*). Қани Насиба?

Марасул. Сизлар бораверинглар, биз кетларингдан етиб борамиз.

Зуҳра (*Хуморхонга*). Сиз-чи, сиз бормай-сизми?

**Хуморхон.** Серцам бир тарзи бўлиб турипти.

**Зуҳра.** Шунинг учун боринг дейман-да: юраги соғ одамларни кўрсангиз, кўкрагингизга шабада тегса буткул тузалиб кетсангиз ажаб эмас.

**Заргаров** блан **Зуҳра** чиқиб кетади. **Машина** гудоҳ бериб жўнайди. **Насиба** уйдан югуриб чиқади.

**Насиба.** Қетишдими?

**Марасул.** Ҳа.

**Насиба.** Юринг, Хуморхон опа, бирга борамиз.

**Хуморхон.** О, опаси ўргилсин, Аҳаджон акангизнинг гапини уйда эшитганим ҳам етар, энди клубга бориб ҳам эшитайми?

**Марасул** (*болани бериб*). Ушланг! Сиз ҳам бормай қўяқолинг!

**Насиба.** Ўзингиз айтдингиз-ку!

**Марасул** (*аччиғи келиб*). Қачондан бери мен нима десам шуни қиладиган бўлиб қолдингиз?

**Насиба.** Бир йилда бир марта борсам ни-ма қипти?..

**Марасул** (*бақириб*). Бормайсан!

**Насиба.** Ўзингиз бир жойга олиб бормасангиз; сизни меҳмонга чақирганлар ёлғиз ўзингизни чақиради; кино-театр деган нарсалар эсимдан ҳам чиқиб кетди... Паркка олиб чиқмасангиз.

**Марасул.** Нима қиламан паркка олиб чиқиб! Прожекторга солиб кўраманми? (*Чиқади.*)

**Хуморхон.** Эрнинг гапини иккита қилиш яхши эмас, опаси ўргилсин! Аравасига тушга-

нингиздан кейин ашуласини ҳам айтасиз-да!  
Мана мен айтиб юрибман-ку, мендан ибрат  
олсангиз бўлмайдими! (Чиқади.)

Насиба саҳнада ёлғиз қолади; бироз ўйлаб турга-  
нидан кейин шиддат блан кўчага чиқиб кетади.

### ПАРДА

---

## УЧИНЧИ ПАРДА БЕШИНЧИ ҚҰРИНИШ

Клуб сақнаси. Президиумда Зұхра, Пұлатжон Домла. Заргаров минбарда доклад қилмоқда.

Заргаров (*чой ишиб, сүзида давом этади*). Шу блан бирга мингларча, юз мингларча озод хотин-қизларимиз бошланғич, үрта ва олий мактабларда үқимоқдалар...

Сақна ёнидан чиқиб келган Ризамат чой қуийб, камоли әхтиром блан минбарга құяды.

(*Доклад тонини бузмай, Ризаматга*). Раҳмат!.. ва шу блан бирга келажак авлодимизнинг ҳаёти ҳамда баҳтини та'минлаш учун кураш соҳасида ҳам ўз бурчларидан илҳомланиб, инсоният олдидағи ўз вазифаларини шараф блан бажармоқдалар.

Товуш. Үртоқ Заргаров, қисқароқ!

Заргаров (*тушунмай доклад тонида*). Бундан қаттиқроқ гапираолмайман, товушимнинг бўлгани шу, үртоқлар! Үртоқлар! Улуг демократ Чернишевский бундай деб ёзади: «Табиат хотин-қизларни зўр исте’додли қилиб яратган, уларга ақл-идрок ато қилган бўлса-да, броқ жамият бу ақл-идрокни тан олмаётir,

поймол қилаётир, бўғаётир!» (Зўр таассуф блан). Ўтмишда мана шундай эди, ўртоқлар! Шу блан сўзим тамом. (*Чапак кутади*).

П. Домла. Саволлар борми?

Зуҳра. Мумкинми, бир савол... Хўп, ўтмишда шундай экан.... Хотин-қизларнинг ақл-идро-кини, талантини тан олмайдиган, оёқости қиласдиган, бўғадиган одамлар ҳозир ҳам борми?

Заргаров (*доклад тонида*). Йўқ, албатта! Бўлиши мумкин эмас, ўртоқлар!

П. Домла. Бахтга қарши ҳозир ҳам бор. Бу масалада жамоатни алдайдиган шахслар, ҳатто мансабдорлар топилади!

Заргаров. Тушунолмадим...

Зуҳра. Нимасига тушунолмадингиз?

Заргаров (*доклад тонида*). Ўртоқлар! Оёқости қиласдиган, бўғадиган шахслар йўқ, албатта... Биз бунга йўл қўймаймиз! Мутлақо йўл қўялмаймиз!

Вера (*залдан*). Менимча бор! Топилади!

Заргаров (*доклад тонида*). Эҳтимол бор-дир, лекин биз қолоқ оиласларга эмас, илғор оиласларга қарашимиз керак, ўртоқлар!

П. Домла. Я'ни?

Заргаров. Я'ни... (*доклад тонида*). Мен бир оила тўғрисида гапиришим мумкин! Менинг қўшним бор, доктор Ҳузуржонов. Мана бу оиласи ҳақиқий оила дейиш мумкин! Мана бу оила бугунги куннинг юксак талабларига тўлиқ жавоб беради десам хато қилган бўлмайман. Бу оиласнинг хусусияти шундан иборатки...

Назира (*залдан*). Нотўғри!

З а р г а р о в . Ҳой, қизлар, агар гапирадиган бўлсаларинг мана буерга чиқиб, халойиққа гапиринглар.

Н а з и р а . Гапиришимиз мумкин... Мумкинми, Домла?

П. Д о м л а . Мумкин. Буёққа чиқ!

З а р г а р о в (*норози*). Мажлисда тартиб бўлиши керак!..

П. Д о м л а . Бугунги мажлиснинг тартиби шунаقا!

В е р а блан Н а з и р а саҳнага чиқади.

Н а з и р а . Ҳузуржонов Насибанинг ўқишини жувонмарг қилди, олий ма'lумот бераман деган ва'dалар блан олиб хизматкор қилиб қўйди-ку! Бунинг нимасини мақтайсиз?

Н а с и б а (*югурib саҳнага чиқади*). Назира!

З а р г а р о в (*Насибага*). Сиз ҳам шуердамисиз?

В е р а . Ҳузуржонов Насибани сизнинг қўлингиз блан мактабдан юлиб олди!

Н а с и б а . Вера!

Н а з и р а . Насибанинг оёқ-қўлини боғлагани Ҳузуржоновга сиз арқон эшиб бердингиз!

З а р г а р о в (*мулойим, лекин таҳдиð блан*). Аравани қуруқ олиб қочманг, ойим қиз!.. (*Бошқа бирнима демоқчи бўлиб, айтолмайди*). Ярашмайди!.. Комсомол экансиз... Не-хо-ро-шо! (*Доклад тонида*). Ўртоқлар, Ҳузуржоновнинг хотини университетга киргани тайёрлик кўраётитти, и... киради ҳам!

В е р а . Ёлғон!

З а р г а р о в (жаҳли чиқиб). Ўзининг тілій бор, ўзи айтсин! (Йұталиб құяди).

Н а з и р а . Насиба, буёққа чиқ! Гапир!

З а р г а р о в яна йўталади. Н а с и б а ерга қараганича туриб қолади.

П. Д о м л а . Шунақами, қизим, ростми шу гап?

Н а с и б а . Ёлғон! Домла, кечириңг... Мен... мен... сизни алдадим... энди юзингизга қандоқ қилиб қарайман. Кўзим очилди... (Йиглаб юборади ва саҳнанинг орқасига ўтиб кетади).

Кетидан В е р а ва Н а з и р а ҳам чиқади.

З а р г а р о в (пешона терини артиб). Демак Ҳузуржонов менга нотўғри ма'lумот берган экан!.. Кўрамиз, текширамиз... (Ёзиб олади.)

Президиумга залдан хат тушади. Хатин З у ҳ р а олиб Пўлатжон Домлага беради.

П. Д о м л а . Кечирасиз, бир савол тушди, ўқишига мажбурман.

З а р г а р о в . Тўғри, саволлар мана шунаقا, ёзма равишда берилиши керак.

П. Д о м л а (ўқийди). «Докладчи Заргаров уч бола кўрган хотини Оқила Шамсиеванинг устига Хуморхон Мансурхўжаева деган бир жувонни олган...».

З а р г а р о в (шошиб). Шошманг! Туҳмат! Оқила блан ажрашиб кетганимга мана шу ҳафта роса беш йил тўлди!

П. Домла (*қоғозни кўрсатиб*). Ӯқиладан икки яшар ўғлингиз бор экан-ку?

Заргаров (*пинагини бузмай*). Нима қипти, бўлиши мумкин! Мумкин! Бу бола бундан беш йил бурун бино бўлган, лекин ёпишиб қолган эди, уч йилдан кейин кўчди...

Зуҳра (*заҳарханда қилиб*). Ҳмм, ёпишиб қолиш болангизга ота мероси экан-да: ўзингиз ҳам Худоёрхон замонида бино бўлиб, энди туғилганга ўхшайсиз!.. Домла, менга сўз беринг!

П. Домла. Марҳамат, Зуҳрахоним.

Зуҳра. Ўртоқлар! Бугунги докладдан бир пуллик баҳра олмаган бўлсан ҳам, лекин, вақтимиз бекор кетгани йўқ: биз қирқ хотинлик бўлмаса ҳам, ҳарқалай, қўшҳотинлик Худоёрхонни кўзимиз блан кўрдик, билиб қўйдик!

Заргаров (*гаранг*). Зуҳрахоним...

Зуҳра. Ўтиинг... Ма'лум бўлдики, ҳозирги худоёрхонлар шляпа ҳам кияр экан, папка кўтариб ҳам юрар экан, совет қонунларига чап бериш, жамоатни chalfitiш учун мана бунақа жойларда минбарга чиқиб, маст туюдай, оғзидан кўпиклар ҳам сочар экан!

Заргаров (*стол муштлаб*). Мумкинми!.. Қоғоздай ғижимлаб ташлайман!

Зуҳра (*писанд қилмай*). Ўтиинг! Ўртоқлар, буерда Заргаров сингари шляпалик худоёрхонлардан бири — Марасул Ҳузуржонов масаласи ҳам кўтарилди...

Заргаров (*қоғозларини иғишишириб*). Мен сиз блан тегишли жойда гаплашаман!.. (*Жўнаб қолади.*)

Зуҳра (кетидан). Шляпанизни олиб кетинг! Ҳой, шляпа!

Ризамат шляпани унинг қўлидан олиб Заргаров нинг кетидан чопади.

## ПАРДА

### ОЛТИНЧИ ҚУРИНИШ

Заргаров ҳовлисида столовой.  
Хуморхон ойна олдида пардоз қилиб ўтирилти.  
Марасул киради.

Марасул. Аҳаджон акам келмадиларми?  
Хуморхон. Йўқ. Ҳа, мунча тажангсиз?  
Марасул. Бизнинг хотин тил чиқарган десам, оёқ ҳам чиқарипти: клубга кетипти!

Хуморхон. Бормагин деган эдингиз-ку!  
Марасул. Кетипти!..  
Хуморхон. Сиздан ҳам серпулроғини, топгандир-да... Бунақа вақтда эрни шер қиласиган пул, хотинни шер қиласиган хуштор!

Марасул. Алжима!  
Хуморхон (*паузадан кейин*). Яна Оқиланикига борармишсизми?

Марасул. Ҳа! Борабериб остонасини сий-қалиб юбордим! Эрга теккан сену жафосини мен тортаман! Ёмон виждонсизлик қилгансанда! Бечора Оқилага одамнинг раҳми келади.

Хуморхон. Оқилага-я? Оқилага раҳмингиз келадими? Насибага-чи? Насибага раҳмингиз келмайдими? Мен Насибага ҳам кундошман-ку!

Марасул. Ие!..  
Хуморхон. Йўқ-йўқ, кундош эмас, ярим

кундош! А?.. Ярим кундошман. (*Кулади.*) Виж-  
донсиз эмиш! Мени, мен виждонсизни Насиба-  
га ярим кундош қылгунча ўлиб бўлдингиз-ку!  
Кисловодска кечаси, Насибани дори бериб  
ухлатиб қўйиб, мени санаториядан сой бўйига-  
ча қўлида кўтариб борган ким эди? Яхши кў-  
раман деб йиғлаган, оёғимга йиқилиб ботин-  
камни мўйлаби блан чўткалаган ким эди?

Марасул. Аҳмоқ! Ўз хотинини алдаган  
одам ўйнашига рост гапиради деб сенга ким  
айтган эди?

Эшик тиқиллади.

Хуморхон. Киринг! Қирақолинг!

Оқила киради. Иккови гангиг қолади.

Марасул. Э-э, келинг, Оқилахон опа...  
Келганингиз жуда яхши бўлди-да, эртага бо-  
радиган бўлиб турган эдим...

Хуморхон. Келинг...

Оқила. Эрингиз қани?

Хуморхон. Сизнинг ҳам эрингиз-ку...  
Мажлисда!

Марасул. Бирпас ўтиратуринг, келиб қо-  
лар.

Оқила. Мана шу повесткани Заргаровнинг  
ўз қўлига топширишим керак эди. Сиз бериб  
қўярсиз...

Хуморхон (*повесткани олиб ўқийди*).  
«Учинчи участка халқ суди...»

Оқила. Орани очиқ қилиб, Заргаровни  
сизга буткул бермоқчиман.

Хуморхон. Вой, нега, икковимиизга ҳам  
бўлиб турувди-ку...

**М арасул.** Энди хафа бўлмайсиз, опа...

**Оқила.** Нега хафа бўламан, мен Заргаровга ўн етти йил хотин бўлиб бешик, қозон-тобоқ, киртоғарадан бошқа нарса кўрган эмасман. Мен бошқа нарсага — юртимизда ҳали ҳам инсонлик қадр-қийматини билмаган, хотин деган номга иснод келтирадиган макиёнлар борлигига хафа бўламан!

**М арасул.** Э-э!..

**Х уморхон.** Вой (*Марасулни гувоҳ қилиб.*) мана, айтсинлар... Мен эрингизга ўзим тегибманми?

**Оқила.** Йўқ, албатта! Биламан, сизни тегишга, болаларини чирқиратиб уни уйидан, ўн етти йиллик уйидан юлиб олишга мажбур қилган нарса Заргаровнинг пули, мартабаси. Заргаров амалидан бекор бўлсин-чи, қайда кўрдим қора эшагум дермикансиз!

**Х уморхон.** Вой, қанақа некультурний хотинсан! Секинроқ гапирсанг-чи! Қишлоқи!..

**Оқила.** Шу қилган, қилаётган ишларингиз культураю, сиз культурний хотин бўлдингизми?!

**Х уморхон.** Вой, мунча тилинг заҳар экан! Бор-э, эринг бошингдан қолсин! Ол, олиб кет: (*Деразадан ташқарига*). Тоға!

**Оқила.** Мен эр талашиб келганим йўқ.

**Х уморхон.** Ўшанда нега йиғлаб келган эдинг бўлмаса?!

**Оқила.** Бундан бир ярим йил бурун йиғланган эдим. Унда болаларим кўчада қолади деб ўйлаган эканман. Йўқ, тирик етим бўлдию, лекин кўчада қолмади. Бу замонда ҳечким ҳам кўчада қолмас экан: заводда бири опам бўлди,

бири акам бўлди — йўлимни топиб олдим.  
Лекин сиз-чи!..

Хуморхон Марасулнинг орқасига ўтади.

Ие, хотинлардан калтак еябериб зада бўлиб  
қолибсиз-ку!.. Қўрқманг, мен сизни урмай-  
ман — сизга қўл тегизгани ҳазар қиласман.

Хуморхон. Сендан яхши эканманки,  
устингга олипти-да!

Оқила. Кўчада ётган суюкни қайси ит ғажи-  
майди! (*Чиқади.*)

Марасул (*кетидан*). Оқилахон опа, мум-  
кинми... Бир оғиз гапим бор... (*Чиқади.*)

Хуморхон. Вой, яшшамай ўлгур...

Ҳаял ўтмай, Марасул рўмолчаси блан юз-кўзини  
арта-арта киради.

Марасул. Чакки қилдинг! Яхши гапириб  
ҳовридан тушириш керак эди!

Хуморхон. Осмон қўлида бўлса ташлаб  
юборақолсин! Аҳаджон акамнинг битта осмон-  
ни кўтариб қолгудай обрўйи бор!

Фотима (*деразадан*). Қанақа эркаксан!  
Ёш хотинни мажлисга юбориб, қандақ сабринг  
чираб ўтирибсан! Қачонгача ўргатаман...

Марасул. Ҳозир... (*Чиқади.*)

Ранг-қути ўчган Заргаров киради ва секин креслога  
ўтиради.

Хуморхон. Вой нима қилди? Шляпангиз  
қани?

Ризамат, қўлида шляпа, мотамли юриш қилиб  
киради.

**Заргаров (қўлидан шляпали олиб).**  
Мумкин бўлса, Марасулни айтиб келсангиз!

Ризамат чиқади.

Ўзимнинг ҳам кўнглимга келган эди-я! Асли бормасам бўлар экан...

**Хуморхон.** Вой, нима бало, Оқила буерга келиб қилган шаллақилигини клубга ҳам бориб қилдими?

**Заргаров (чўчиб).** А? Оқила келдими?

**Хуморхон.** Ҳа. Сизга повестка олиб келипти. Сизни менга буткул бермоқчи эмиш.

**Заргаров** повесткани олиб ваҳима ичида кўз югуртиради.

**Заргаров (гаранг).** Ие... мен «Оқилани қўйганимга беш йил бўлган» деб... Об-бо!.. Судда устимга хотин олди деса... (*Бирдан.*) Жоним! Пайт нозик, хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турипти — бекорга нобуд бўлиб кетаман... Менга раҳм қилинг!..

**Хуморхон.** Вой...

**Заргаров.** Сиздан бир оғиз сўз!.. Бир оғиз!.. «Мен Заргаровнинг хотини эмасман, ўйнашиман» десангиз қутулиб кетаман. Хотинлик эркак ўйнаш тутмасин деган закон йўқ! Йўқ!

**Хуморхон.** Ие!..

**Заргаров (тиз чўкиб).** Жоним!..

**Хуморхон.** Мен бу гапни айтгани номус қиласман. Хўжа авлодимиз, бизнинг авлодда ўйнаш тутган хотин ўтган эмас!

**Заргаров.** Жоним! Имоним!

Хуморхон. Мунча!.. Жонингизни оладими!..

Заргаров. Обрўйим тўкилади... Менинг обрўйим бир ӯзимга эмас, сизга, ўзингизга ҳам керак-ку ахир!

Хуморхон. Сизнинг обрўйингиз менга нима қилиб берипти! Биттаю битта тоғам ҳали ҳам завхоз!

Заргаров. Бу тўғрида гаплашган эдик-ку... Бироз ичади!

Хуморхон. Каттароқ иш бўлса—яқинига одам йўлалмаса ичгани ҳам билинмас эди.

Заргаров. Хўп, катта ишга жойлаб қўяман. Бўлдими?

Хуморхон (*ўйлаб туриб*). Тоғамга дурустроқ жойдан хотин олиб берасиз. Яхши қиз бўлсин!

Заргаров. Хўп, ўзим ҳам шуни ўйлаб юрган эдим. Ўйлаймиз, бу ҳовлини тоғангизга бериб, ўзимизга бошқа баҳавороқ жойдан участка қиласиз!

Ризамат блан Марасул киради.

Марасул. Э-э, Аҳаджон ака, ростми? Хайрият мажлисга Оқиланинг ўзи кириб бормапти...

Заргаров (*Ризаматга*). Сиз чой-пой ичиб оласизми...

Хуморхон (*Ризаматга*). Буёққа юринг...

Ризамат иккови чиқиб кетади.

Марасул. Нима бўлди?

Заргаров. Дард бўлди! Бало бўлди! Ҳамма иллат сенда! Сенда! Хотин-қизлар масаласи

чирсиллаб турган бир вақтда нима қилар эдинг гапни кўпайтириб!..

Марасул (ҳайрон). Нима қилдим?

Заргаров. Ие, тағин нима қилдим дейди-я!.. Хотининг ўқийман деса битта-яримта мактабга қистириб қўймайсанми-ю, яна битта туққанидан кейин ўзи ташлаб кетмайдими?

Марасул (қути учиб). Нима бўлди?

Заргаров. Ҳамма гап мана шундан бошланди-да! Дугонаси чиқиб ундоқ деди, холанг чиқиб бундоқ деди; ҳаммаси қўшилишиб сени олиб менга урди, мени олиб сенга урди. Данакдай хамиртурушдан бир тоғора хамир қилди-қўйди.

Марасул. Ўзи нима деди?

Заргаров. Нима дерди! Тарафингни олсам мени ёлғончи қилди!

Марасул. Ҳали шунақами? (*Енгини шимариб чиқмоқчи бўлади.*)

Заргаров. Қаёққа?.. Ўтири! (*Унинг енгларини тушириб қўяди.*)

Насиба киради.

Насиба. Мени йўқладингизми?

Заргаров Марасулга «қаттиқ гапирма» деб ишора қилади.

Марасул (қовоғини солиб). Ҳа!.. (*Унинг олдига боради.*)

Марасул Насибани урмоқчи бўлганда Заргаров ҳай-ҳайлаб қўймайди. Шовқинни эшитиб Хуморхон югуриб киради, вазиятни кўриб ҳайрон бўлади.

**З а р г а р о в.** Ҳмм. Шунақа экан-да, Насибаҳон... Марасулдан хафароқ экансиз, менга айтсангиз ҳам бўлар эди-ку... Ё мендан ҳам хафамидингиз?

**Н а с и б а.** Қоқинган одам йўлда ётган тошдан ўпкаламайди.

**З а р г а р о в.** Мени тош дейсизми, ғишт дейсизми, кесак дейсизми, ҳарқалай, холис ният блан ораларингга тушган эдим. И... бахтли бўлдингиз деган қаноатдаман: шундоқ уйингиз бор, жойингиз бор...

**Н а с и б а** (*Ҳуморхонга кўз қири блан қараб*). Уй-жой бахт бўлса иссиқ оғилда ковиш қайтариб ётган сигирдан бахтироқ жонивор бўлмас эди!

**З а р г а р о в.** Уй дейишдан мақсад оила демоқчиман!

**Х у м о р х о н.** Опаси ўргилсин, нега унақа дейсиз, кимсан доктор Ҳузуржоновнинг хотинисиз!

**Н а с и б а.** Фалончининг хотини бўлиш сизга бахт бўлса бордир, лекин мен уни бахт деб билмайман, бунақа бахтдан жирканаман! Менинг ўз отим, ота-онам умид блан қўйган отим бор! Ўз отимга куйдирги чиққан эмас!

**М а р а с у л** (*дўқ қилиб*). Шунақами!..

**Н а с и б а.** Ҳа шунақа!

**М а р а с у л.** Ҳа, ўша сени... (*Урмоқчи бўлади. Заргаров орага тушади.*) Жигингни эзаман.

**Н а с и б а.** Йўқ, Марасул ака, энди мени уролмайсиз! Мен энди мунгли, муштипар хотин эмасман (*чиқиб кетади*).

**Х у м о р х о н.** Вой Марасул ака-еў, ўлма-

ган жонингиз! Бу шаллақи блан қанақа умр қилиб келаётибсиз?

Заргаров. Аҳмоқ! Аҳмоқ! Ҳозир хотин урадиган замонми?

Хуморхон. Бунақа хотинни уриб ўлдирса ҳам оз! (*Чиқади.*)

Телефон жиринглайди.

Заргаров (*чўчиб*). Марасул, ол-чи!  
(*Ўзича.*) Э, худо!.. (*Паноҳ истаб.*) Хуморхон!

Марасул (*трубкага*). Лаббай! А? Ҳозир...

Марасул имо блан Заргаровга трубкани кўрсатади. Заргаров, трубка чақиб оладигандай, стол ёнига келади, трубкани олади.

Заргаров (*трубкага, ўзини хурсанд кўрсатишга тиришиб*). Лаббай!.. Раҳмат... А?  
Хўп-хўп... (*Бўшашиб ўзини креслога ташлайди, узоқ паузадан кейин*). Марасул!

Марасул (*зўрга*). Лаббай!..

Заргаров. Нима бўляяпти ўзи?

Марасул. Энди буёғи нима бўлади денг.

Заргаров. Хуморхон! Жоним!

## ПАРДА

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА ЕТТИНЧИ ҚУРИНИШ

Марасулнинг ҳовлиси. Супада Назира, Вера,  
Насиба, Пўлатжон Домла.

П. Домла (боланинг юзини очиб ғекин).  
Бай-бай-бай!.. Мунча ҳам ширин ухлапти!  
Менга бер-чи, бола кўтариш эсимда борми-  
кин...

Қизлар секин кулишади. Насиба болани унга беради.

Ўҳў!.. Полвон қиз бўладиганга ўхшайди-  
ку! Баракалла! Хўп, қани, гапир-чи!..

Насиба. Уша кунги мажлисдан кейин  
яхши бўлиб қолди. Мажлис куни бир авж  
қилди-ю кейин, ўйлаб кўрди шекилли, дарров  
тушди. Ҳийла тушди! Бир йилда бир марта  
ҳам кўчага чиқармаган одам... мана, бир ҳаф-  
та ичидан икки марта маориф бўлимига бориб  
келдим. Узи мактабимизга бориб тўққизинчи  
синфда ўқиганимга справка олиб келди...

Назира. Ёмон бўлиб ҳам кўрсин-чи,  
клуб деворий газетасига оёғидан осиб қўяр-  
ман!

Вера. Мажлисда осгандан бешбаттар  
қилдик-ку.

П. Домла. Коллектив — зўр куч.

Бидон кўтариб Фотима киради, мәҳмонларни кўриб бидонни секин бир чеккага яширади ва югуриб буларнинг олдига келади.

Фотима. Вой гиргиттон!.. Келинг, домласи... Келинглар... Бу ўқиш қачон бошланади, а, домласи! Бола бечора ичикиб қолди-ку! Уйда ҳам ўқиётитти, ўқимаган китоби қолмади, Марасул китоб ташиб етказаолмаётиттию, лекин мактабнинг йўриғи бошқа-да! А, келинпошша?

П. Домла. Ўқиш яқинда бошланади. Мен сизларни хурсанд қилай бўлмаса... (*Ёнини ковлади*.)

Фотима. Марасул «домла олиб уйда ҳам ўқитаман» деяпти.

П. Домла (*Насибага*). Мен кечки мактаб дирекцияси блан гаплашдим, сени ўнинчига қабул қилишди. Мана, (*қоғозни беради*) тўққизинчининг имтиҳонин ўнинчидан ўқиб туриб топширасан! Ўзим ёрдам бераман. Булар бор...

Назира }  
Вера } Албатта. Бўлмаса-чи!

Фотима. Вой, бу қоғозни йўқотманг, Марасулга кўрсатинг!

Насиба. Раҳмат, Домла!

П. Домла. Энди мен кетай, яхшилар.

Фотима. Вой, ўтириинг, бир сиқим ош қилай... Қачон, қелсангиз овқатга ўтирмай-сиз-а!

Ҳамма уни узатади. Фотима чиқиб кетади. Ҳамма қайтади.

Насиба (*бахтиёр*). Уф!.. Энди сизлардан фақат бир йил орқада қоламан, холос!

**Ҳ а м м а (ашула айтади).**

Давно, друзья веселые,  
Простились мы со школою...

**В е р а (болани кўрсатиб). Жим!**  
Назира. Барибир қўзини очиб ётипти.

Ҳамма кулади.

Назира. Энди бизга ҳам жавоб бергин.  
Вера. Ҳа, мен ҳам шуни айтмоқчи эдим.  
Насиба. Шунақами? Келганларингга  
раҳмат... (*Кузатади.*) Сизлардан бир илтимос,  
қизлар: йўлакай Зухра холамга ҳам айтиб  
ўtingлар, Насибанинг ҳамма иши тўғри бўл-  
ди, денглар. Холам бечора хотиржам бўлсин-  
лар.

Назира. Хўп!

Насиба уларни кузатиб келади.

Роҳила киради.

Роҳила. Қизим, болангни чўмилтирсам  
деган эдим! Уйғонмадими?..

Насиба, Вой, ая, суюнчи! Мени ўнинчи  
синфга қабул қилишипти! Пўлатжон Домла  
буйруқ олиб келдилар.

Роҳила. Умридан барака топсин, зап дом-  
ланг бор-да!

Иккови чиқади Марасул киради, келиб сўрига ўзи-  
ни ташлайди. Фотима киради.

Фотима Ие, келдингми... Овқатингни  
олиб келайми?

Марасул. Йўқ! Томоғимдан ҳечнарса ўт-

майди. Аҳаджон акамни ишдан олиб, партиядан ўчиришипти!

Фотима. Вой!

Марасул. Уф!.. Бир омад кетгандан кейин шунаقا бўлар эканда!

Фотима. Худо дегин!.. Ташвиш тортма, Аҳаджон тегирмонга тушса бутун чиқади... Мана кўрасан, онам айтган эди дерсан! (*Секин.*) Насибанинг домласи қоғоз олиб келди!

Марасул. Қанақа қоғоз?

Фотима. Ўқишга кириши нақдга ўхшайди. (*Иғламсираб.*) Пешонам қурсин... Сени катта қилиб берганим кам экан, энди боласини ҳам катта қилиб бераман шекилли.

Заргаров (*ўз ҳовлиси томонидан киради, мусибатли товуш блан*). Марасул, ука, мен кетдим. Энди бутун умид областъдаги ёр-биродарлардан. Хайр...

Марасул. Хайр...

Фотима. Худо денг!

Заргаров (*жон-дилидан*). Э, худо!..  
(Чиқади.)

Насиба киради.

Фотима. Келинпошша, эрингизнинг овқатини беринг (*чиқади*).

Марасул. Қаёққа бординг?

Насиба. Ҳечқаёққа борганим йўқ.

Марасул. Қим келди?

Насиба. Пўлатжон Домла, қизлар...

Марасул. Шунақами...

Насиба (*хурсанд*). Үнинчига кираман!  
Пўлатжон Домла дирекция блан гаплашиб буйруқ олиб келиптилар! Мана!

**Марасул** (*буйруқни ўқийди*). Ҳмм... яхши, лекин мен бир нарсани ўйлаб қолдим: болангни нима қиласан?

**Насиба.** Ҳамиша «боланг, боланг» дейсиз... (*Кулиб.*) Нима, болани онамнинг уйидан олиб келибманми?

**Марасул.** Менинг онамдан умид қилмадемоқчиман. Сенга мени катта қилиб бергани басдир, энди болангни ҳам катта қилиб берсинми!

**Насиба** (*ҳайрон*). Майли... ясли бор...

**Марасул.** Тилаб-тилаб топган болангни яслига бергани қандоқ кўнглинг бўлади?

**Насиба.** Яслига нима қипти? Менинг ўзим ҳам яслида, боғчада ўсганман.

**Марасул.** Сенинг отанг берса бергандир, менинг яслига берадиган болам йўқ!

**Насиба** (*қути учиб*). Хўп, болага менинг онам қарайди... кечқурун элтиб бераман, эрталаб олиб келаман...

**Марасул.** Бу бошқа гап. (*Бирдан.*) Хўп, болани онангга элтиб берар экансан, мени кимга элтиб берасан? Менга ким қарайди?

**Насиба.** Ўзим қарайман... Онам қарайди... Үқишимнинг сизга, уй ишига... ҳечкимга оғирлиги тушмайди!

**Марасул** (*паузадан кейин*). Менга қара, ўқишдан мақсад нима ўзи, ишлашми? Нима қиласан ишлаб? Мен боқолмаяпманми?

**Насиба.** Марасул ака, нима учун мени «боқишингиз» керак? Мен мушук бўлмасам...

**Марасул** (*аччиғи келиб*). Биз эр-хотин

гаплашаётимиз, орага биронинг гапини қистирма!

Насиба. Нима дедим? Қимнинг гапини қистирдим?

Марасул (*масхара қилиб*). «Нима учун мени боқишингиз керак! Мен мушукми...» Бу анови чол — Пўлатжон Домланинг гапи! Бу нақа фалсафалар ўшандан чиқади.

Насиба. Майли-да. Бирон орзуси бўлмаган, бирон нарсага интилмаган одамнинг мушукдан нима фарқи бор?

Марасул. Хўп, бордию орзулари ушалди — ўқидилар, битирдилар, ишга ҳам кирдилар — ишлаб қанча ойлик оладилар?

Насиба (*унинг афтига қараб*). Қанча ойлик олсам ўқишимга рози бўлар эдингиз?

Марасул (*нима дейишини билолмай*). Юрагимни сиқма! (*Қоғозни йиртиб ташлайди*) Янаги йилга ўқийсан!

Насиба. Вой! (*Қоғоз парчаларини олиб бағрига босади*) Марасул ака, нега бунақа қиласиз? Ҳар куни икки маҳал гул кўтариб кўчамизнинг бошида турган кунларингизда нималарни ва’да қилган эдингиз?

Марасул (*бирдан тутоқиб*). Мен ишдан чарчаб келганман, дам олгани қўясанми, йўқми? (*Бақириб*) Қўясанми, йўқми!!

Насиба. Бақирманг!

Роҳила блан Фотима югуриб киради.

Роҳила. Ҳа, ҳа, яна нима бўлди?

Фотима. Ҳой, сенга нима бўлди?

Насиба. Кечагина нима деган эдингиз! Яна лафзингиздан қайтдингизми?! Ноинсоф!

**Марасул.** Ҳа! Мен шунақа номисоф, шунақа золим эрман! (*Биркўл ҳаракати блан бутун давлатини кўрсатиб.*) Шунақа золим эрбўлса ҳамма ҳам тегар эди!

**Насиба.** Олақолинг!

**Марасул (бақириб).** Оламан!

**Роҳила.** Ҳой, куёв, яна бошидан тушдингизми! Кўчада муқовангизни кўрган киши сизни ҳеч шунақа одам деб ўйламайди-я!

**Марасул.** Кечки мактабга қўймайман! Марҳамат, университетга кирсин! Ёрдам қиласман!

**Насиба.** Бас! Қалбаки гапларнингиз жонимга тегди! Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.

**Марасул.** Жонингга теккан бўлса — катта кўча!

**Насиба.** Шунақами?.. Ая, мана, орзуларингиз ушалдими?

**Насиба блан Роҳила** чиқади.

**Фотима.** Ҳай, ақлингга куйдирги чиқмагур, боласи бор, ҳовлининг ярмини бўлиб олади-я!

**Марасул.** Уф!.. Ая, дейман, битта хотинни эплаш шунча қийин, дадам раҳматлик саккизтасини қанақа эплаган эдилар?

**Фотима.** О, онанг айлансин **Марасул**, у замонда эркакларнинг қамчисидан қон томар эди! У вақтда паранжи бор эди!

**Бола,** тугун кўтариб **Роҳила** киради.

**Войдод!..** Мени шундоқ қудамдан айирасанми!..

**Роҳила.** Қўйинг-э Фотимабуви, давлат деб қизимни ўз қўлим блан ўтга ташланган эканман! Одамлар айтишган эди...

**Насиба** (икки бойлам китоб кўтариб киради). Юринг, ая!

**Фотима** (икковининг йўлини тўсади). Войдод!.. Мени шундай келинимдан айирансанми!..

Зуҳра киради.

Дод устига дод!

Зуҳра (ҳайрон). Нима гап?

**Роҳила.** Нима бўлар эди... Айтганингиз келди!

**Фотима** (Зуҳра блан кўришиб). Иккови уришиб қолди, яраштириб қўй. Арзимаган гап... (Чиқади.)

Зуҳра (кетидан). Мараз!

**Марасул** (Роҳилага, ўпкалааб). Бизни уришиб-сўкиб яраштириб қўярсиз десам, дарров кўч кўтарибсиз-да!

**Роҳила.** Ҳа! Қўзим очиқлигига қизимнинг тўйини кўрай деб ўзимни ўйлабману, тўйдан кейин Насибанинг ҳоли нима кечишини ўйламабман. Она куни битиб дун’ёдан кўз юмганида боладан рози бўлиши зарур, лекин, энди билсам, куни туғилиб дун’ёни энди кўрадиган боласини рози қилиб кетиши ундан ҳам зарурроқ экан!

Она-бала чиқмоқчи бўлади.

Зуҳра. Мана энди ўзингизга келибсиз!

**Марасул** (дўйқ қилиб). Хола!.. Оила масаласига аралашманг! Оила масаласи но-

зик масала, сиёсий масала! Совет ҳукумати оилани мустаҳкамлаш учун бутун чораларни кўраётган бир вақтда... жавобгар бўласиз!

Зуҳра. Совет ҳукумати ҳарқанақа оиласи эмас, совет оиласини мустаҳкамлайди!

Марасул. Сизга ўхшаган чаласавод «активлар» қўли блан мустаҳкамлайди! (*Она боланинг олдини тўсади.*)

Зуҳра. Мен чаласавод, сенинг саводинг росами? Бир кўзинг одамларнинг тишида, бир кўзинг чўнтағида-ку, яна қайси кўзинг блан ўқиб савод чиқаргансан?

Марасул (*Насибага*). Чучварани хом санама, мендан ялшиб алимент ололмайсан!

Насиба. Кераги йўқ!

Зуҳра. Қонун товуқдай қийқиллатиб олиб беради!

Марасул. Қонунга мувофиқ оладими? Ойлиги юз сўмлик ишга кираман!

Зуҳра. Ҳезалак!

Марасул (*Насибага*). Эсинг кириб қайтиб келганингда бу уйда бошқа хотин ўтирган бўлади!

Насиба (*таққан зийнат асбобларини олиб Марасулнинг олдига ташлайди*). Наинки қайтиб келсам! Аксинча, бу ерда ўтган бир ярим йил умримга ачинаман. Эссизгина бир ярим йил умрим! Юринг, ая! (*Чиқади.*)

Роҳила. Эссиз! Лекин бекор кетмади! Бу бир мактаб бўлди. Кўзимиз очилди. Баҳт нима, баҳтсизлик нима эканини кўзимиз блан кўрдик. Мен оналарга айтаман: «Тузуккина қанот чиқармай учишга талпинган чумчуқ бола илоннинг оғзига тушар экан» дейман!

**Марасулдан бошқа ҳамма кўча эшиги томон йўналади.**

**М а р а с у л (бақириб). Хола, муродингга  
етдингми?**

**З у ҳ р а. Йўқ, ҳали, жиян! Чаласига қарз-  
дорман! (Чиқади.)**

### П А Р Д А

---

## ЭПИЛОГ.

Заргаровнинг ҳовлисида ўша столовой, лекин ерда ёттан бир пой эски калиш, гижимлаб ташланган биринкита газетадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Саквояж кўтарган Заргаров киради, киради-ю данг қотиб қолади; кўзларини ишқаб, йириб қарайди; ниҳоят, кўраётгани ҳақиқат эканига ишонгац, бўшашиб кетади. Фам-койиш хийлагина енгиб қўйган Марасул киради.

Марасул. Салом бердик... С приездом...

Заргаров. Салом.

Марасул. Гузарда орқангиздан шунча чақирдим, эшитмадингиз.

Заргаров (*уйини кўрсатиб*). Нима гап?

Марасул. Хуморхонингиз... кечагина кўчиб кетди. Хафа бўлманг, ҳозир ҳаммани ҳам хотини ташлаб кетаётитти.

Заргаров. Қаёққа кўчди экан, тоғаси-никигами?

Марасул. Йўқ... Эрга тегди!

Заргаров. А? (*Саквояжнинг устига ўтириб қолади.*)

Марасул. Тағин хотин устига текканини айтмайсизми?.. Қалай ишлар тўғри бўлдими?

Заргаров бош чайқайди ва суғуриб ташлади деганга ишора қилади.

Об-бо!.. Суғуриб ташламанглар, тузалиб кета-  
ман демадингизми?

Заргаров (*хаёли бошқа ёқда*). Айтдим,  
айтмаган гапим қолмади.

Марасул. Ўзим ҳам билган эдим: катта омбурга чап бериб бўлмайди. Турмуш қи-  
йин бўлиб қолди, Аҳаджон aka!

Заргаров. Сен нима қиласан нолиб!  
Омбуринг қўлингда, бир кавакдан ҳайдаса  
бошқа кавакда тиш суғуриб айшингни қила-  
верасан! Менга қийин, менга!

Марасул. Жуда ҳам унчалик эмас,  
Аҳаджон aka! Омбур-помбуриб блан ўзимни  
ҳам ҳаётдан суғуриб ташлайдиганга ўхшаб  
қолди: учидан ҳовлини сотиб солиқقا бердим,  
ишдан бўшатилдим, яна нима бўлишини бил-  
майман.

Заргаров. Қани энди шуларнинг ҳам-  
маси тушим бўлса-ю, уйғониб кетсам!.. Қада-  
мимни билиб босар эдим... Шу вақтгача кал-  
ла деб жун чиққан қовоқни кўтариб юрган  
эканман! Жун чиққан қовоқни!

## ПАРДА

*На узбекском языке*

АБДУЛЛА КАХХАР

**БОЛЬНЫЕ ЗУБЫ**

*Пьеса*

*Госиздат УзССР—1956—Ташкент*

Редактор *М. Раҳмон*

Рассом *И. Циганов*

Техн. редактор *Ф. Раҳматуллин*

Корректор *В. Максудова*

---

Теришга берилди 28.IV 1956. Босншга  
рухсат этилди 25/VI 1956. Формати  
70 × 92<sup>1</sup>/<sub>32</sub>, 2,75 ғ бос. л. — 3,22. шартли  
бос. л. Нашр. л. 3,12+4 вклейкалар  
Тиражи 15000. Индекс н/а. Узбекистон  
ССР Давлат Нашриёти. Тошкент, По-  
лиграф кўчаси, 74. Шартнома № 164/56

---

Ўзбекистон ССР Маданият министр-  
лиги Ўзглавиздатининг 1-нчи  
босмахонаси. Тошкент, Заказ № 684.  
Баҳоси 3 с. 25 т.